

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
И. М. МЎМИНОВ НОМИДАГИ ФАЛСАФА ВА ҲУҚУҚ ИНСТИТУТИ**

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

Кўлёзма ҳуқуқида
УДК: 1(575.1). 396:1(575.1)

ҲУСЕЙНОВА АБИРА АМОНОВНА

**ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ЖАРАЁНИДА
АЁЛЛАР ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШ МУАММОЛАРИ
(ИЖТИМОЙ-ФАЛСАФИЙ ТАҲЛИЛ)**

09.00.11 – Ижтимоий фалсафа

Фалсафа фанлари доктори илмий даражасини
олиш учун ёзилган диссертация

А В Т О Р Е Ф Е Р А Т И

Тошкент – 2010

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси И.М.Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институтининг Ижтимоий фалсафа ва этика бўлимида бажарилган.

Илмий маслаҳатчи – фалсафа фанлари доктори, профессор
Абдуллаева Махбуба Нуруллаевна

Расмий оппонентлар: фалсафа фанлари доктори, профессор
Алиев Бекдавлат
фалсафа фанлари доктори
Туленова Гулмира Жандаровна
сиёсий фанлар доктори
Султонова Эътибор Сидиқовна

Етакчи ташкилот – **Самарқанд давлат университети**

Ҳимоя 2010 йил _____ ойининг «__» куни соат ____да Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ва Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Фалсафа ва ҳуқуқ институти ҳузуридаги фалсафа фанлари доктори (номзоди) илмий даражасини олиш учун диссертациялар ҳимояси бўйича Д.067.02.01 рақамли Бирлашган Ихтисослашган кенгаш йиғилишида ўтказилади. Манзил: Тошкент шаҳри, 100095, Талабалар шаҳарчаси, Ўзбекистон Миллий университети, Фалсафа факультети, 215-хона.

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университети кутубхонасида танишиш мумкин (Тошкент шаҳри, 100095, Талабалар шаҳарчаси, Форобий кўчаси, 16-уй).

Автореферат 2010 йил «____» _____ да тарқатилди.

Тамғали муҳр билан тасдиқланган тақризларингизни Бирлашган Ихтисослашган кенгаш илмий котиби (Тошкент шаҳри, 100095, Талабалар шаҳарчаси, Ўзбекистон Миллий университети, Фалсафа факультети, 208-хона)га юборишингизни сўраймиз.

**Бирлашган Ихтисослашган кенгашнинг
илмий котиби, фалсафа фанлари доктори**

Ш.О. Мадаева

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги. Ўзбекистон Республикаси инсонпарвар ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш йўлидан дадил бормоқда. Ушбу олижаноб, аммо, мураккаб вазифани амалга ошириш Республикамизда яшовчи ҳар бир кишидан ижтимоий фаол бўлишни, эркин ва фаровон ҳаёт, озод ва обод Ватан барпо этиш учун фидойилик кўрсатиб яшаш ва меҳнат қилишни талаб этади. Миллий демократик тараққиёт кун тартибига қўяётган мазкур талаб хотин-қизларга ҳам бевосита тааллуқлидир. «Бугун маърифий дунёда, – деб таъкидлайди Республикамиз Президенти И. А. Каримов, – хотин-қизлар манфаати деган алоҳида масала бор ва уни ўрганиш, ечимини топишга жуда катта аҳамият берилиши бежиз эмас. Агар аёлларга етарли эътибор берилмаса, бундай жамиятнинг келажаги бўлмаслиги ҳақида, ўйлайманки, узоқ гапириб ўтиришнинг ҳожати йўк»¹.

Тадқиқот мавзусининг долзарблигини қуйидаги илмий-назарий ва ижтимоий-амалий омиллар билан асослаш мумкин.

Биринчидан, мустақиллик йилларида хотин-қизларни ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётга жалб этишни миллий демократик тараққиёт талаблари даражасига кўтариш учун республикамиз Президенти И. А. Каримов томонидан муҳим сиёсий ва илмий-фундаментал аҳамиятга эга фармон ва фармойишлар қабул қилинди. «Ўзбекистон Республикаси давлат ва жамият қурилишида аёлларнинг ролини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» (1995 йил 2 март), «Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги (2004 йил 25 май) фармонлари, 1999 йил – «Аёллар йили», 2001 йил – «Она ва бола йили» деб эълон қилинди. Шунингдек, Вазирлар Маҳкамаси 1998 йил 27 январда аёллар масаласига оид Давлат дастури ва Миллий платформасини қабул қилди. Ушбу фармон ва фармойишларнинг бажарилиши бўйича республикамизда эътиборли ишлар амалга оширилди, тажрибалар тўпланди, уларни ижтимоий-фалсафий тадқиқ этиш, миллий демократик тараққиётимизнинг ҳозирги босқичи «аёллар масаласи»да кун тартибига қўяётган муаммоларни аниқлаш, уларнинг илмий асосланган, концептуал аҳамиятга эга ечимларини топиш муҳимдир.

Иккинчидан, республикамизда хотин-қизларнинг давлат ва жамият қурилишидаги фаоллигини ошириш учун зарур сиёсий-ҳуқуқий база яратилган. Аммо аёлларнинг ўз ҳуқуқ ва эркинликларидан унумли фойдаланишлари ҳали демократик тараққиёт талаблари даражасида эмас. Аёлларнинг фаоллигига тўсиқ бўлаётган омиллар нималардан иборат? Ҳамма

¹ Каримов И.А. Хотин-қизлар фаоллигини ошириш – давр талаби // Тинчлик ва хавфсизлигимиз ҳамжихатлик ва қатъий иродамизга боғлиқ. Т. 12. – Тошкент: Ўзбекистон, 2004. – Б. 350–351.

аёлларни феминистларга айлантириш зарурми? Аёлларнинг ўзи мавқеини, ҳуқуқ ва эркинликларини, улардан фойдаланиш даражасини, мавжуд механизмларнинг имкониятларини, демократик тараққиётдаги ўрни ва аҳамиятини қандай баҳолайдилар? Глобаллашув жараёнида «аёллар масаласи»га этномаданий ва этнопсихологик ёндашувларда қандай ўзгариш, трансформация рўй беради ва улар миллий демократик тараққиётга қанчалик мос келади? Бу каби фундаментал аҳамиятга эга саволларга жавоб бериш махсус тадқиқотлар ўтказишни талаб этади.

Учинчидан, Ўзбекистон хотин-қизлари мамлакатимиз аҳолисининг 51 фоизидан зиёдини ташкил этгани ҳолда уларнинг давлат олий органларидаги бевосита иштироки 20 фоиздан ошмайди. Шу боис ҳам ижтимоий-сиёсий ҳаётда аёлларнинг кенг иштирок этишларини таъминлаш, ижтимоий-сиёсий жараёнларга фаол куч сифатида кириб боришлари учун барча шарт-шароитларни яратиш билан боғлиқ масалаларни илмий-назарий жиҳатдан ўрганиш ва олинган натижаларни амалиётда қўллаш йўлларини ишлаб чиқиш катта аҳамиятга эга.

Тўртинчидан, Шарқда қадимдан аёлларга алоҳида ҳурмат кўрсатилиб, уларнинг гўзал фазилатлари улуғланиб келинган. Ушбу кадриятлар бугун ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Шу билан бирга, аёллар халқимиз менталитети, турмуш тарзига мутлақо зид ҳодисаларга, яъни ўз манфаатларини жамият манфаатларидан устун кўядиган айрим шахслар ва гуруҳларнинг аёлларни зўрлаб ҳижобга киритиш, уй-хўжалик юмушларига банди қилиб қўйиш, ижтимоий, сиёсий ва маданий ҳуқуқларини чеклаш, қизларни эрта турмушга чиқариш, айниқса аёллардан бойлик оттириш мақсадида фойдаланиш (одам савдоси)га интилишларига ҳам дуч келмоқдалар. Шунинг учун ҳам миллий демократик тараққиёт илмий-тадқиқот марказлари ва олимлардан ушбу салбий ҳолатларни бартараф этиш билан боғлиқ муаммоларни чуқур ўрганишни, бу борада илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқишни талаб этмоқда.

Бешинчидан, кейинги йилларда гендер фалсафаси, оила ҳуқуқи, аёллар тадбиркорлиги ва етакчилиги мавзуларида кўпгина китоб ва мақолалар чоп этилди, аммо улардаги концептуал ғояларни, миллий демократик тараққиётга хизмат қилувчи фикр ва тавсияларни ўрганиш, тадқиқотчиларимизнинг эътиборидан четда қолмоқда. Жамиятимизда демократия, сўз эркинлиги, плюрализм борган сари мустаҳкам қарор топаётган бир пайтда «аёллар масаласи»га оид илмий-назарий қарашларни таҳлил қилиш ва умумлаштиришга эҳтиёж мавжуд. Шу боис фуқаролик жамиятини шакллантиришда аёлларнинг фаоллигини ошириш муаммоларини тадқиқ этиш, тўпланган тажрибаларни илмий-фалсафий таҳлил қилиш ҳам назарий, ҳам амалий аҳамиятга эгадир.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. «Аёллар масаласи» у ёки бу даражада антик даврдан буён ўрганиб келинади. Аёл ўзининг антропологик ва психофизиологик хусусиятлари билан ҳамisha илм ва ижод аҳлининг

диққатини тортиб келган. Бироқ улар аёлни фақат бадий-эстетик завқ манбаи сифатида улуғлаганлар. Ҳатто инсон эркини ҳимоя қилишга доир фалсафий-ҳуқуқий асарлар ёзган И. Кант ҳам, аёллар фуқаровий муносабатлар ва ижтимоий ишларга, фаолликка қодир эмас, деб ҳисоблаган¹.

Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг фалсафий, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва ҳуқуқий масалалари, унинг «Ўзбек модели» билан боғлиқ хусусиятлари Б. Алиев, Ҳ. Бобоев, Д. Бобожонова, Л. Бойко, К. Джавакова, Ш. Жалилов, Р. Жумаев, С. Жўраев, З. Исломов, Г. Кўчқорова, Ш. Мамадалиев, М. Мирхамидов, Ф. Мусаев, Х. Одилқориев, А. Саидов, Б. Тўйчиев, А. Тўлаганов, С. Тўйчиева, А. Шайманова, М. Шарифхўжаев, Э. Халилов, И. Эргашев, М. Қирғизбоев, А. Қодиров, З. Қодирова, О. Ҳусанов каби тадқиқотчилар томонидан ўрганилган². Улар қўллаган илмий-методологик ёндашувлар ва муаммога оид чиқарган айрим хулосалар диссертация учун назарий-методологик манба, кўрсатма бўлиб хизмат қилди.

Мустақиллик йилларида миллий демократик тараққиёт хусусиятлари, бозор иқтисодиёти шароитида аёлларни ижтимоий муносабатларга кенгрок жалб этиш ҳамда уларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш

¹ Қаранг: Кант И. Сочинения. В 6-ти т. Т. 6. – М.: Мысль, 1966. – С. 449.

² Алиев Б. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг асарлари бўйича ўқув-услубий қўлланма. – Тошкент: Иқтисодиёт, 2010; Бобоев Ҳ., Ҳасанов С. Ўзбекистон демократик жамият куриш сари. – Тошкент: Адолат, 2001; Бобожонова Д. Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий муносабатлар. – Тошкент: Шарқ, 1999; Бойко Л.М. Конституционные основы народовластия в Республике Узбекистан. – Тошкент: Адолат, 2001; Жалилов Ш. Давлат ҳокимияти маҳаллий органлари ислоҳоти: тажриба ва муаммолари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996; Жумаев Р. Давлат ва жамият: демократлаштириш йўлида. – Тошкент: Шарқ, 1998; Жўраев С. Фуқаролик жамияти: назария ва амалиёт. – Тошкент: Академия, 2003; Исломов З.М. Фуқаролик жамияти: кеча, бугун, эртага. – Тошкент: ТДЮИ, 2002; Кочқорова Г.Д. Роль негосударственных коммерческих организаций в формировании нравственных устоев гражданского общества: Автореф. дисс ... канд. филос. наук. – Тошкент: 2008; Мамадалиев Ш.О. Халқ ҳокимияти: назария ва амалиёт. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2003; Мирхамидов М. Демократизация органов государственного управления Республики Узбекистан: проблемы и перспективы. – Тошкент: Университет, 1992; Мусаев Ф. Демократик давлат куришининг фалсафий-ҳуқуқий масалалари. – Тошкент: Ўзбекистон, 2007; Одилқориев Х.Т. Конституция ва фуқаролик жамияти. – Тошкент: Шарқ, 2001; Саидов А., Жўзжоний А. Шарқ цивилизацияси: инсон ва ҳуқуқ (ўтмиш ва ҳозирги замон). – Тошкент: Адолат, 2005; Тўйчиев Б. Проблемы формирования политической культуры и демократизация современного общества. – Тошкент: Фан, 1991; Тўлаганов А. Давлат ҳокимиятининг вакиллик ва ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини ташкил этиш. – Тошкент: ТДЮИ, 2002; Тўйчиева С.С. Ўзбекистон Республикасида бозор муносабатларига ўтиш шароитида шахс ижтимоий фаоллигини оширишда маънавий маданиятнинг роли. Фалсафа фан. д-ри ... дисс. автореф. – Тошкент, 2004; Шайманова А.Э. Ўзбекистонда фуқаролик жамияти курилишида ўрта мулкдорлар синфининг ўрни ва роли. Фалсафа фан. номзоди ... дисс. автореф. – Тошкент: 2005; Шарифхўжаев М. Ўзбекистонда очик фуқаролик жамиятининг шаклланиши. – Тошкент: Шарқ, 2003; Халилов Э.Х. Ўзбекистон Республикасининг қонун чиқарувчи олий органи: сохта вакилликдан ҳақиқий парламентаризмга. – Тошкент: Ўзбекистон, 2001; Эргашев И. Тараққиёт фалсафаси. – Тошкент: Академия, 2000; Қирғизбоев М. Фуқаролик жамияти: партиялар, мафкуралар, маданиятлар. – Тошкент: Шарқ, 1998; Қодиров А. Сиёсат фалсафаси. – Тошкент: ТДЮИ, 2008; Кадырова З. Проблемы повышения социальной активности молодежи Узбекистана в условиях всестороннего реформирования общества. – Ташкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 1999; Ҳусанов О. Мустақиллик ва маҳаллий ҳокимият. – Тошкент: Шарқ, 1998.

масалалари Я. Абдуллаева, Д. Алимова, Н. Жўраева, Г. Маткаримова, Н. М. Муравьёва, О. Нишонова, Ф. Отахўжаев, М. Тўхтаўжаева, Р. Убайдуллаева, С. Ходжаева, М. Холматова, Г. Тансиқбоева, Х. Шайхова, Н. Сайдалиева¹ каби тадқиқотчилар томонидан ўрганилган.

Гендер муаммолари, ижтимоий ҳаётда аёл ва эркак муносабатларида фарқ мавжудлиги, эркаклар шовинизмининг сақланиб қолаётгани, тарихий-маданий анъаналарнинг таъсири ва аёлларнинг фарзандлари, оиласига боғланиб яшаши каби масалалар В. Алимасов, С. Аҳророва, С. Сафаева, Э. Султонованинг махсус изланишларида муҳокама этилган².

Шунингдек, Ўзбекистонда хотин-қизларни давлат ва жамият қурилишига жалб этиш, уларнинг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш масалалари турли илмий тўпламларда тилга олинган ва ижтимоий аҳамиятга эга тавсиялар ишлаб чиқилган³.

Шубҳасиз, мазкур тадқиқотлар ва изланишлар аёллар масаласини бор мураккаблиги билан англашга, уни объектив ёритишга ҳамда ундаги К. Поппер ибораси билан айтганда, «янги ва қизиқарли ҳақиқатни»⁴ топишга ёрдам беради. Аммо ушбу тадқиқотлар асосан миллий демократик тараққиётимизнинг биринчи (1991–2000 йй.) ва иккинчи (2001–2009 йй.)

¹ Абдуллаева Я. Қорақалпоғистон хотин-қизлари: кеча ва бугун. – Тошкент: Ижод дунёси, 2004; Алимова Д. Женский вопрос в Средней Азии. – Тошкент: Фан, 1991; Жўраева Н.Д. Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётида хотин-қизларнинг ўрни (XX асрнинг 20-30-йиллари). Тарих фан. д-ри ... дисс. автореф. – Тошкент: 2004; Маткаримова Г.А. Гендерные и репродуктивные права женщин в международном и национальном праве. Автореф. дис. ... д-ра юрид. наук. – Тошкент: 2002; Нишонова О.Ж. Ўзбек аёллари этномаданияти: генезиси, хусусиятлари, муаммолари: Фалсафа фан. номзоди. ... дисс. автореф. – Тошкент: 2005; Сайдалиева Н.З. Ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлашнинг ижтимоий-фалсафий муаммолари: Фалсафа фан. номзоди. ... дисс. автореф. – Тошкент: 2005; Тохтаҳаджаева М. Утомленные прошлым. Реисламизация общества и положение женщин в Узбекистане. – Ташкент: 2001; Убайдуллаева Р.А. Ўзбекистон: бозор муносабатларига ўтиш шароитида аёллар ва меҳнат // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. – Тошкент, 1995. – № 9. – Б. 24–26; Ходжаева С.А. Правовая культура и проблемы развития социально-правовой активности женщин Республики Узбекистан. Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Ташкент: 2004; Холматова М., Муравьёва Н. Ёшлар оилавий ҳаёт бўсағасида. – Тошкент: Ўзбекистон, 2000; Шайхова Х.А. Ўзбек аёли – одоб тимсоли. – Тошкент: Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2007.

² Қаранг: Алимасов В. Гендер фалсафаси. – Тошкент: Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2008; Султонова Э. Аёл – давлатнинг ривожланиш стратегиясида (глобал муаммо сифатида). – Тошкент: ЖИДУ, 2005; Сафаева С. Аёллар масаласи: умумижтимоий ва миллий жиҳатлар. – Тошкент: Ўзбекистон, 2003; Аҳророва С.А. Ўзбекистонда аёллар ижтимоий фаоллигини ошириш омиллари: Фалсафа фан. номз. ... дис. автореф. – Тошкент, 2005.

³ Қаранг: Ўзбекистонда оила, давлат ва жамият қурилишида аёлларнинг роли ва гендер муаммолари. – Тошкент: Фан, 1999; XXI аср бўсағасида Ўзбекистон аёлларининг ижтимоий салоҳиятини оширишга кўмаклашиш имконияти: Симпозиум материаллари. – Тошкент: Университет, 1999; Ўзбекистонда аёллар ижтимоий фаоллигини ошириш омиллари. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2000.

⁴ Поппер К. Предположения и опровержения. – М.: АСТ, 2004. – С. 383.

босқичидаги¹ ўзгаришларни таҳлил қилишга бағишланган, уларда модернизация ва глобализация жараёнларининг муаммога таъсирини ижтимоий-фалсафий таҳлил этиш назардан четда қолган. Кейинги ўн йил ичида Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий ҳаётида фуқаролик жамиятини барпо этиш соҳасида сезиларли ютуқлар қўлга киритилди, яъни хотин-қизларнинг фаоллигини қўллаб-қувватловчи нодавлат ташкилотлар, сиёсий партияларда «аёллар қаноти», маҳаллаларда махсус лавозимлар (фуқаролар йиғини раисининг ўринбосарлари) ташкил этилди. Мазкур объектив ўзгаришларни ўрганмай, таҳлил қилмай фуқаролик жамиятини шакллантиришга аёлларни фаол жалб этиш муаммоларининг ечимини топиш қийин.

Фуқаролик жамияти қуриш жараёнида аёлларнинг иштирокини таъминлашга оид фалсафий, ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий масалалар А. Г. Бабич, Ю. Безелянский, Т. Бендас, Е. Варзиман, А. Веселовский, В. Геодакян, Е. П. Ильин, Е.И. Калинина, И. Клецина, Ц.П. Короленко, Л. Мамут, В. Межуев, Л. Попова, Н. Усачева, Н. Хамитов, Н. Ходирева, Л.Т. Шинелова каби МДХ олимлари томонидан тадқиқ этилган². Т. Бендас, В. Геодакян, Е. Ильин, И. Клецина, Н. Усачева эътиборини – гендер тенгликнинг ижтимоий-фалсафий жиҳатлари, аёлларнинг психофизиологик ва этномаданий хусусиятларига, А. Бабич, Е. Вардиман, Е. Калинина, Л. Попова, Н. Ходирева ва Л.Т. Шинелова эса аёлнинг ижтимоий муносабатлардаги ўрни ҳамда ижтимоийлашувига таъсир этувчи омиллар ва механизмларни ўрганишга қаратганлар.

Аёлларни демократияга, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий-маданий ҳаётга кенг жалб этиш, уларда давлат ва жамият ишларини бошқариш, етакчилик, тадбиркорлик ва интеллектуал салоҳиятни ошириш

¹ Каримов И.А. Ўзбекистоннинг 16 йиллик тараққиёт йўли // Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида. Т.16. – Тошкент: Ўзбекистон, 2008. – Б. 5.

² Антология гендерной теории. – Минск, 2000; Бабич А.Г. Многоженство. Советы и комментарии. – М.: Ансар, 2006; Безелянский Ю. Вера, Надежда, Любовь. – М.: Радуга, 1998; Бендас Т.В. Гендерная психология. – СПб.: Питер, 2007; Вардиман Е. Женщина в древнем мире. – М.: Наука, 1990; Великие женщины XX века. – М.: Мартин, 2002; Веселовский А. Женщины и старинные теории любви. – М.: АСТ, 1990; Гаджиев К.С. Политическая философия. – М.: Экономика, 1999; Геодакян В.А. Два пола: Зачем и почему. – СПб.: Зенит, 1992; Гражданское общество. Мировой опыт и проблемы России. – М.: Логос, 1998; Ильин Е.П. Дифференциальная психофизиология мужчины и женщины. – СПб.: Питер, 2002; Калинина Е.И. Женщина и управление. Формула успеха. – СПб.: Питер, 2000; Клецина И.С. Гендрная социализация. – СПб.: Питер, 1998; Короленко Ц.П. Мифология пола. – Киев: Университет, 1994; Мамут Л.С. Народ в правовом государстве. – М.: Юристъ, 1999; Межуев В.М. Гражданское общество: правовое государство, право. – М.: Юристъ, 2002; Попова Л.В. Проблема самореализации одаренных женщин // Вопросы психологии. – М., 1996. – № 2. – С. 31–41; Усачева Н.А. Женщина: ее статус, судьба и образ в мировой культуре. – Алматы: Гылым, 1994; Хамитов Н. Философия и психология пола. – М.: Институт общегум. иссл., 2001; Ходырева Н.В. Женщины в менеджменте // Психология менеджмента. – СПб.: Альфа-Питер, 1997; Шинелова Л.Т. Женщина и общество. – М.: Политиздат, 1990.

муаммоларини АҚШ ва европалик К. Амундсен, П. Ж. Бьюкенен, О. Вейнингер, Х. Гилман, Р. Даль, Дюнун, О. Кардави, Д. Милл, Мизес фон Л., А. Пиз, Б. Пиз, Г. Плоссъ, Б. Фридан, Э. Фромм, Л. Хабер, А. Шиммел, Ж. Сартори каби олимлар тадқиқ этганлар¹.

Кўриниб турибдики, аёллар масаласи мудом тадқиқотчилар, мутахассислар диққатини жалб этиб келмоқда. Аммо бу ҳол ҳозирги даврда ушбу муаммони илмий тадқиқ этиш керак эмас, деган фикрга олиб келмайди, ҳар бир давр, айниқса модернизациялашаётган ва глобаллашаётган ҳозирги дунё эски муаммоларга янгича ёндашишни ва янгича ечимлар топишни талаб этади.

Диссертация мавзусининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси Бухоро давлат тиббиёт институти ижтимоий фанлар кафедрасининг «Умуминсоний қадриятлар ва маънавий камолот масалалари» номли илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасига киритилган.

Тадқиқотнинг мақсади – фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнида аёлларнинг фаоллигини ошириш муаммоларини ижтимоий-фалсафий тадқиқ этиш.

Тадқиқотнинг вазифалари:

– «фуқаролик жамияти» категориясини ва унинг социогенезисини таҳлил қилиш;

– Шарқ ва Ғарб фалсафасидаги муаммога оид назарий-фалсафий концепцияларни ўрганиш;

– фуқаролик жамияти ва феминизм фалсафаси ўртасидаги диалектик алоқадорликни очиб бериш;

– Ўзбекистон аёллари ижтимоий-сиёсий фаоллигининг ўзига хос жиҳатлари ва шакллари аниқлаш;

¹ Амундсен К. Женщины и американская демократия: большинство, которое заставляют молчать. – М.: Прогресс, 1976; Шиммел А. Жонон менинг жонимда. – Т.: Шарқ, 1999; Бьюкенен П. Дж. Смерть Запада. – М.: АСТ, 2007; Вейнингер О. Пол и характер. Мужчина и женщина в мире страстей и эротике. – М.: Феникс, 1997; Даль Р. Введение в экономическую демократию. – М.: Наука, СП ИКПА, 1991; Дюнун. Проституция в древности. – Кишинев: Логос, 1991; Кардави О. Дозволенное и запретное в Исламе. – М.: Андалус, 2004; Ландрам Дж. 13 женщин, которые изменили мир. – Ростов на-Дону: Феникс, 1999; Мизес фон Л. Индивид, рынок и правовое государство. – СПб.: Наука, 1999; Пиз А., Пиз Б. Как заставить мужчину слушать, а женщину молчать. – М.: ЭКСМО, 2006; Плоссъ Г. Женщина в естествоведении и народоведении. Т.1. – Сыктывкар-Киров: Ветка, 1995; Фромм Э. Мужчина и женщина. – СПб.: Питер, 1999; Haber L. Women Pioneers of Sciens. – N.Y., 1974; Gilman Ch. Herland. – 1979. – №4. – P. XI; Freidan B. The Feminile mustigue. – 1974. – №4. – P. 233; Mill D.S. The subjection of women. – Z., 1969; Krolokke, Charlotte; Anne Scott Sorensen. Gender Communication Theories and Analyses: From Silence to Performance. – Sage Publications, 2005. – Tree Waves of Feminism: From Suffragettes to Grrls. – ISBN 0761929185; The American Enlightenment. The Shapping of the American Experiment and Free Society / Ed. by A. Koch. – N.Y., 1965.

– нодавлат нотижорат ташкилотлари ва ўзини ўзи бошқариш органларининг аёлларни жамият ва давлат ишларига жалб қилиш тажрибаларини умумлаштириш;

– бозор муносабатларига ўтиш, модернизациялаш шароитида хотин-қизлар ҳаётида, дунёқарашларида содир бўлаётган ўзгаришларни таҳлил этиш;

– аёллар миграцияси, бандлиги масалаларини ўрганиш, уларни мулк субъектларига айлантириш зарурияти ва имкониятларини асослаш;

– глобаллашув шароитида оила институтини мустаҳкамлаш, гендер муаммоларини ҳал этишда аёлларнинг ролини таҳлил этиш;

– хотин-қизларнинг интеллектуал салоҳияти ва сиёсий-ҳуқуқий маданиятини ошириш масалаларини тадқиқ этиш.

Тадқиқотнинг объекти ва предмети. Фуқаролик жамиятини куришда Ўзбекистон аёлларининг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий-маданий ҳаётдаги иштироки, фаолияти – тадқиқотнинг объектини, аёллар ижтимоий-сиёсий фаоллигининг хусусиятлари ва шаклларини аниқлаш эса тадқиқотнинг предмети ташкил қилади.

Тадқиқотнинг назарий ва методологик асослари. Тадқиқотнинг назарий ва методологик асосларини Ўзбекистон Президенти И. А. Каримовнинг фармонлари, асарлари, муаммога оид илмий изланишлар олиб борган тадқиқотчиларнинг концептуал ғоялари ва фундаментал аҳамиятга эга хулосалари ташкил этади.

Тадқиқот методлари. Диссертацияда илмий билишнинг диалектик, тарихийлик, мантиқийлик, анализ ва синтез, комплекс ёндашув, ретроспектив таҳлил, сўровнома, интервью, суҳбат, кузатиш, қиёсий таҳлил, контент-анализ каби усулларига таянилади.

Диссертацияда 2007–2008 йилларда Бухоро, Тошкент ва Самарқанд вилоятларида яшовчи 1119 та аёл ўртасида ўтказилган социологик тадқиқот натижаларидан фойдаланилган. Унда қатнашган респондентларнинг 42 фоизи олий маълумотли, 41 фоизи ўрта махсус маълумотли, қолганлари ўрта маълумотлидир. Уларнинг 30 фоизи фуқаролик институтлари – ННТ, ўзини ўзи бошқариш органлари, маҳалларда, 28 фоизи маориф, таълим-тарбия соҳасида, 22 фоизи соғлиқни сақлаш тизимида, 10 фоизи маданият ва маиший хизмат муассасаларида, 8 фоизи бошқарув тизимларида, 2 фоизи савдо-сотикда хизмат қилади.

Респондент-аёллар ичида Олий Мажлисга депутатлар тўрт нафар, маҳаллий кенгашлар депутатлари 42 нафар, сиёсий партиялар фаоллари 202 нафардир.

Социологик сўров фуқаролик жамиятини ўрганиш институти Бухоро минтақавий ахборот таҳлил маркази ёрдамида ўтказилган.

Тадқиқотнинг гипотезаси. Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнида:

– аёлларнинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий-маданий кизиқишлари, интеллектуал салоҳиятлари ҳамда психофизиологик хусусиятлари ҳисобга олинса ва комплекс тадқиқ этилса;

– айрим этномаданий анъаналардаги миллий демократик тараққиётга зид, аёлларнинг инсон сифатида яшаш истакларига номувофиқ патриархал муносабатлар бартараф этилиб, гендер тенглик ва уйғунликка эришилса;

– оилада жинслараро соғлом муҳит, аҳиллик, ўзаро ҳурмат-иззат, ҳамжиҳатлик ва ёрдам шаклланган бўлса;

– ижтимоий-сиёсий ва фуқаролик институтлари аёллар фаоллигига эҳтиёж мавжудлигини объектив идрок этса ва уларни қўллаб-қувватласа;

– гендер тенглик ҳаёт тарзига айлантирилса, етакчи аёллар ҳақида ижобий қарашлар мустаҳкамланса, уларнинг бошқаларга намуна имижига яратилса, аёлларнинг фаоллигини ошириш ва фуқаролик жамиятининг тенг ҳуқуқли аъзоси, фаол субъектлари бўлишларига эришиш мумкин.

Ҳимояга олиб чиқилаётган асосий ҳолатлар:

1. «Фуқаролик жамияти» тушунчаси ва унинг социогенези, аёллар ижтимоий фаоллиги оширилишини талаб этаётган омилларнинг тадқиқ этилганида;

2. Феминизм фалсафанинг аёллар масаласини, ижтимоий фаоллигини ўрганишга қаратилган назарий қарашлар эканлиги очиқ берилганида;

3. Фуқаролик жамияти ва феминизм фалсафасининг диалектик алоқалари ёритилганида;

4. Аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги давлат ва жамиятни бошқариш институтлари демократлашувининг асоси ва кўрсаткичи эканлиги таҳлил этилганида;

5. Ижтимоий-сиёсий ҳаётда патриархал қарашларнинг сақланиб келаётгани, аввало аёлларнинг ушбу соҳадаги фаоллиги ҳали юқори даражада эмаслиги билан боғлиқ ҳолатлар таҳлил қилинганда;

6. Иқтисодий ислоҳотларнинг, модернизациялашнинг самарали ҳал этилиши аёлларнинг, айниқса қишлоқ аёлларининг фаоллигига боғлиқлиги кўрсатилганида;

7. Фуқаролик жамиятида маънавий-маданий ва ижтимоий-ахлоқий кадриятларнинг шаклланиши аёлларнинг фазилатлари, интеллектуал салоҳияти ва сиёсий-ҳуқуқий маданиятига боғлиқлигининг илмий асосланганида;

8. Ўзбекистонда аёллар фаоллигини оширишнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-маданий ва назарий масалалари тадқиқ қилингани ва бу болада илмий асосланган хулосалар чиқарилганидир.

Тадқиқотдаги илмий янгиликлар қуйидагилардан иборат:

– «фуқаролик жамияти» категорияси ва унинг социогенези ўрганилди;

– Шарқ ва Ғарб фалсафасидаги аёлларга оид назарий-фалсафий концепциялар таҳлил этилди;

– фуқаролик жамияти ва феминизм фалсафаси ўртасидаги диалектик алоқадорлик ўрганилди;

– хорижий мамлакатларда аёлларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришдаги иштироки, тўплаган тажрибалари илмий-назарий тадқиқ этилди;

– фуқаролик жамияти ҳар бир шахснинг ижтимоий фаоллиги, жамият ва давлат ишларини бошқаришда онгли қатнашишига боғлиқ воқелик бўлгани учун унда аҳолининг ярмидан кўпини ташкил этувчи аёлларнинг иштирок этиши объектив зарурият эканлиги, аммо аёлларнинг сон жиҳатдан кўплиги боис эмас, балки ўз ҳуқуқлари ва шаънига, ижтимоий борлиқда ўз ўрнига эга инсон эканликлари учун жамият ва давлат ишларини бошқаришда иштирок этишлари зарурлиги асослаб берилди;

– феминизм фуқаролик жамиятини тақозо қиладиган, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини олий қадрият сифатида эътироф этадиган, аёлни жамиятнинг барча соҳаларида, жумладан ҳокимият тизимида ҳам, тенг ҳуқуқли субъектга айлантиришга қаратилган ижтимоий-сиёсий ҳаракат эканлиги очиб берилди. Гендер ва феминизм ўртасидаги фарқ «бутун ва бўлак», «тизим ва элемент» категориялари ўртасидаги фарқ кабилиги, яъни феминизм гендер муносабатларининг таркибий қисми эканлиги, феминизмни ривожлантирмасдан туриб, гендер тенгликни таъминлаб бўлмаслиги асосланди;

– ижтимоий-сиёсий ҳаётда патриархал ёндашувлар сақланиб келаётгани аввало аёлларнинг ушбу соҳадаги фаоллиги ҳали юқори даражада эмаслиги билан боғлиқлиги кўрсатилди;

– нодавлат ноижорот ташкилотларининг шаклланиши ҳали сушт кечаётган бўлса-да, улар «аёл – уй бекаси» деган стереотипни ўзгартиришга интилаётганликлари, аёллар билан боғлиқ муаммоларни бартараф этишда қатнашаётгани очиб берилди;

– глобаллашув шароитида аёллар миграцияси, бандлиги, уларни мулк субъектларига айлантириш билан боғлиқ муаммолар тадқиқ этилди;

– аёлларни иш билан таъминлаш долзарб муаммолардан бўлиб қолаётгани, шунинг учун уларни уй-кафе, уй-музей, уй-кутубхона, уй-ясли каби маънавий-маданий хизмат кўрсатиш фаолиятига ҳам ташкилотчи, ҳам ижрочи сифатида жалб қилиш орқали ишсизлик муаммосини қисман ҳал этиш мумкинлиги кўрсатилди;

– фуқаролик жамияти маънавий-маданий ва ижтимоий-ахлоқий қадриятларининг ижтимоий ҳаётдан ва ёш авлод қалбидан жой олиши энг аввало аёлга, унинг интеллектуал салоҳияти, сиёсий-ҳуқуқий маданиятига боғлиқлиги асослаб берилди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий аҳамияти шундаки, ундаги хулосалар ижтимоий фалсафа, гендер фалсафаси, этнопсихология, этика, жамиятшунослик фанларидаги муаммога оид мавзуларни назарий бойитади, феминизм

фалсафасини алоҳида мавзу сифатида ўрганишга ёрдам беради. Диссертациядаги таклиф ва тавсиялардан жамият ва давлатни бошқариш институтлари, хотин-қизлар кўмиталари, ўзини ўзи бошқариш органлари, аёлларнинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маънавий-маданий фаоллигини оширишга қаратилган маънавий-маърифий тадбирларда, давра суҳбати, мулоқот ва учрашувларда, оммавий ахборот воситаларининг тарғибот-ташвиқот ишларида, «Олима аёллар» ташкилоти, сиёсий партияларнинг аёллар канотлари, нодалат нотижорат ташкилотлари фаолиятларида, олий ўқув юртларидаги маънавий-маданий ва тарбия соҳасида фойдаланиш мумкин. Шу билан бирга улардан «Миллий ғоя: асосий тушунча ва тамойиллар», «Фалсафа», «Маданиятшунослик», «Ахлоқшунослик», «Сиёсатшунослик», «Демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти» каби фанларни ўқитишда, «Баркамол авлод йили» Давлат дастури ижросига қаратилган амалий тадбирларда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тадқиқот натижаларига асосланиб Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти Бухоро минтақавий ахборот таҳлил марказида бир қатор илмий-амалий конференция ва семинарлар, учрашувлар, давра суҳбатлари ташкил этилди. Диссертациядаги илмий-амалий тавсиялар 2000–2004 йилларда Бухоро шаҳар хотин-қизлар кўмитасининг, «2004–2010 йилларда Бухоро вилояти «Истикболли авлод» нодавлат нотижорат ташкилоти (ННТ)нинг аёллар орасида олиб борилган маънавий-маърифий ишлари дастури доирасида жорий этилган.

Тадқиқотдаги амалий тавсиялар, якуний хулосалар Бухоро вилояти ҳокимлиги фаолиятида, Республика маънавият тарғибот маркази Бухоро вилоят бўлими, Ўзбекистон Республикаси ИИБ Бухоро вилояти ИИБ «Одам савдосига қарши кураш» бўлими, Ўзбекистон Республикаси «Маҳалла» хайрия жамғармаси Бухоро вилоят бўлимининг «Ахлоқ-одоб доирасидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш» ва «Одам савдосига қарши кураш» доирасида ўтказилган тадбирларида, раҳбар ходимларнинг назарий билимлари ва касбий маҳоратини оширишда, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқиш ва таҳлил қилишда қўлланилмоқда.

Шунингдек, Бухоро давлат тиббиёт институтида олиб борилаётган таълим-тарбия жараёнида, институт бошланғич хотин-қизлар кўмитасининг тадбирларида, “Фалсафа”, “Маданиятшунослик”, “Ахлоқшунослик”, “Сиёсатшунослик”, “Демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти” каби фанларни ўқитиш жараёнида фойдаланиб келинмоқда.

Ишнинг синовдан ўтиши (апробацияси). Мазкур тадқиқот ЎЗР ФА И. М. Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институти «Ижтимоий фалсафа ва этика» ҳамда «Фалсафа ва фан методологияси» бўлимларининг бирлашган йиғилишида 2008 йил 6 октябрда (9-сонли баённома) муҳокама қилиниб, ҳимояга тавсия этилган (2008 йил 14 декабрь, 2009 йил 10 июнь 10-сонли баённома). Шунингдек диссертация Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон

Миллий университети ва Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Фалсафа ва ҳуқуқ институти ҳузуридаги Д.067.02.01 рақамли Бирлашган Ихтисослашган кенгаш қошидаги 09.00.11– “Ижтимоий фалсафа» ихтисослиги бўйича ташкил этилган илмий-назарий семинарда (2010 йил 18 май 3-сонли баённома) муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот натижалари муаллифнинг умумий ҳажми 30 босма табақ бўлган 50 дан зиёд илмий асарларида эълон қилинган. Улардан 15 таси илмий журналларда (11 таси – ОАК талабларидаги журналларда, 4 та – хорижий журналларда), 30 таси республика ва халқаро миқёсдаги илмий-амалий анжуман материалларида, монография, рисола ва илмий оммабоп мақолаларида ўз ифодасини топган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация Кириш, 16 та параграфни ўз ичига олган тўртта боб, Хулоса, Фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва Иловадан иборат. Умумий ҳажми 300 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Тадқиқотнинг **Кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси аниқланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти, илмий-методологик асоси ва тадқиқ этиш усуллари, ҳимояга олиб чиқилаётган асосий ҳолатлар келтирилган, диссертациядаги илмий янгиликлар, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилиб, унинг тузилиши ва ҳажми ҳақида маълумот берилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг назарий-методологик масалалари**» деб номланган бўлиб, унда «Фуқаролик жамияти: тушунчаси ва генезиси» (1.1.), «Шарқ фалсафасида «фуқаролик жамияти» талқини» (1.2.), «Ғарб ижтимоий-фалсафий тафаккурида фуқаролик жамиятига оид концепциялар» (1.3.), «Фуқаролик жамияти ва феминизм фалсафаси» (1.4.) мавзулари тадқиқ этилган.

Диссертацияда фуқаролик жамиятини шакллантириш ҳозир идеал модель тарзида қабул қилинаётгани, тараққийпарвар давлатлар уни реал воқеликка айлантиришга киришгани қайд этилган. Шунинг учун улар ижтимоий ҳаётда хусусий мулкни, кўппартиявийлик ва сиёсий демократияни, фуқаролик институтлари ва оммавий ахборот воситаларини кўллаб-қувватлашга интилаётгани очиб берилган. Диссертацияда ушбу асосий белгилар ижтимоий борлиқнинг моҳиятига, принципларига сингиб, кишилар ҳаётида устувор ўрин эгаллагач, фуқаролик жамияти тўлиқ шаклланиши ҳақида сўз юритиш мумкин бўлади, деган хулосага келинган.

Фуқаролик жамиятига тадқиқот мақсади ва концепциясидан келиб чиқиб қуйидагича таъриф берилган: **фуқаролик жамияти – умуминсоний**

демократик принципларга таянган ҳолда шахсга ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ва маънавий-маданий ҳаётда ўзини тўлиқ намоён қилиш имконини берадиган ижтимоий макон бўлиб, ушбу маконда аёлларнинг фаол иштироки тараққиёт кафолатидир. Фақат ана шундагина инсон шаъни, ҳуқуқ ва эркинликларини асраш принципи тўлиқ қарор топади, жамиятнинг ҳар бир аъзоси ён-атрофга, ислохотларга, дунёга онгли инсон, субъект сифатида муносабатда бўлади.

Қадимги Шарқ файласуфларининг асарларида шаҳар-давлатлар (полислар) билан боғлиқ давлат тузуми ҳақида қизиқарли қарашлар мавжуд. Чунончи, Форобий асраб-авайловчи бошқарувни ташкил этиш усулларини ўрганиш, шаҳарлар аҳлига эзгулик ва фаровонлик қай йўсинда келиши ҳамда уларга эришиш ва шу неъматларни асраш йўлларини қандай топишни кўрсатиб бериш зарур, деб ҳисоблаган. Ушбу қарашларини у ўзининг «Фозил одамлар шахри», «Давлат арбобининг ҳикматлари» ва «Фуқаролик сиёсати» асарларида батафсил баён этган. Мазкур асарларида у ўзи умумий бахтга эришиш йўли деб билган олий ҳукмдорлик санъатига кенг ўрин берган¹. Диссертацияда буюк аллома «фуқаролик жамияти» тушунчасини қўлламаган бўлса-да, фуқаролик жамиятининг ҳозирги концепциясига яқин қарашни илгари сургани асослаб берилган.

Ғарб фалсафасида фуқаролик жамияти ғоясининг негизини Платон ва Аристотелдан бошлаб излаш анъана бўлган. Ҳақиқатан ҳам ушбу икки мутафаккирнинг асарларида бир хил «етук давлат», «етук жамият» ва «фуқаролар жамоаси» атамалари ҳамда уларнинг талқинлари мавжуд.

Аристотель фалсафасида фуқаролик жамиятига хос айрим белгилар муҳокама қилинган. Лекин уларни фуқаролик жамиятининг том маънодаги асоси дейиш қийин. Кўп ўринларда Аристотель аристократия ва монархияга ён босади. Аёлларга камситувчи назар билан қарагани эса Аристотелнинг демократияни тор маънода тушунганини кўрсатади. Аёлларни камситувчи фикрлар Фалес, Суқрот, Сенека, Шопенгауэр, Ницше, Макиавелли, Роттердамский, Монтескьё ва Кант асарларида ҳам мавжуд. Улар аёлнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётда эркаклар билан тенг ҳуқуқли қатнашишини тасаввур ҳам қилмаганлар.

Феминизм аёлларни эркакларга, айниқса жамиятга қарши қўювчи, алоҳида белги ва хусусиятлари билан эркаклардан устунлигини исботлашга интилувчи ҳаракат эмаслиги асосланган. Феминизм аёлларнинг эркаклар билан тенг ҳуқуқли, эркаклар эгаллаган касб-кор ва вазифаларни аёллар ҳам уддалаши мумкинлигини исботловчи ижтимоий ҳаракатдир. Феминизмнинг мақсади аёлларнинг эркаклар билан тенг ҳуқуқли, тенг ақлу идрокли ва салоҳиятли эканини ҳимоя қилишдир. Феминизм патриархал муносабатларнинг жамият ҳаётида устуворлигига, патриархал анъана ва

¹ Қаранг: Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шахри. – Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993. – Б. 159-161, 166-169.

тартибларнинг кишилар онгида, турмуш тарзида сақланиб қолаётганига қарши ҳаракатдир.

Ижтимоий ҳаёт гендер муносабатларда тенглик, яъни аёл ва эркакнинг эҳтиёж ҳамда манфаатларини баб-баравар ҳисобга олинишини тақозо этади. Улардан бирининг тенглиги, эҳтиёж ва қизиқишлари ҳисобга олинмаса, нафақат инсон ҳуқуқлари, балки инсон табиатига хос диморфизм ҳам бузилади.

Диссертацияда феминизм қуйидагича таснифланиб ўрганилган:

- 1) илк феминизм ёки амазонкалар ҳаракати;
- 2) сиёсий-ҳуқуқий феминизм;
- 3) ижтимоий-иқтисодий феминизм;
- 4) социобиологик феминизм;
- 5) сепаратистик ва анархистик-ҳужумкор феминизм;
- 6) трансплантация;
- 7) гуманистик феминизм;
- 8) муросавий ёки тарихий-маданий феминизм;
- 9) демократик феминизм.

Илк феминизм деганда матриархат давридаги жамоанинг, уруғнинг, қабиланинг аёллар томонидан бошқарилиши назарда тутилади. Ушбу даврда аёлларнинг жамоа ҳаётидаги роли юқори бўлган. Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, матриархат даврида оналик ҳуқуқи ҳукм сурган, қабилалар ҳаётига тааллуқли барча масалаларни аёллар кенгаши ёки аёл-йўлбошчи ҳал қилган. Геродотнинг ёзишича, скиф ва массагет аёллари нафақат жангларда қатнашганлар, балки жангни давом эттириш ёки тўхтатиш масаласини ҳам ҳал этганлар¹.

Г. Плосснинг ёзишича, ведалардан олдинги даврларда Ҳиндистонда аёллар эркаклар билан тенг ҳуқуқли бўлганлар, ижтимоий ҳаётда ва жангларда қатнашганлар. Браҳмонизм ва мутаасиб коҳинлар даврида аёллар эркакларга, тузумга тобе бўлиб қолганлар². Бундай мисолларни яна кўплаб келтиришимиз мумкин³.

Илк феминистлар ўзларини жамоага ҳам, эркакларга ҳам қарши қўймаганлар, балки уларга таянганлар. Ибтидоий муносабатларни, оилани сақлаш ва мустаҳкамлаш зарурлигини аёл инстинктив ҳис қилган. Ҳар бир йўқотиш қабила учун қимматга тушган, шунинг учун илк босқичда босқинчи аёллар учрамайди. Бироқ матриархат давридаги аёллар ўз кучи, сеҳри ва қобилиятига ишонганлар. Шунинг учун ҳам илк худолар аёл тимсолида

¹ Қаранг: Геродот. История. – М.: Инфра-Пресс, 1999. – С. 181.

² Қаранг: Плоссь Г. Женщина в естествоведении и народоведении. – Сыктывкар-Киров: Вятка, 1995. – С. 282.

³ Қаранг: История древнего Востока. – М.: Восточная лит-ра, 2004; Массон В.М. Средняя Азия и Древний Восток. – М.-Л., 1964; Шетенко А.Я. Первобытный Индиан. – Л.: Наука, 1979; ва бошқ..

тасвирланган, амазонкалар эса замонавий феминистларнинг аждодларидирлар.

Сиёсий-ҳуқуқий феминизм XVIII–XIX асрларда ижтимоий оқим, ҳаракат сифатида юзага келган. Бу ўринда энг аввало Буюк француз инқилоби ва унинг таъсирида пайдо бўлган европалик феминистлар эсга тушади. Улар ўзларининг сиёсий-ҳуқуқий мавқеини эркаклар билан тенг қилиб қўйишни талаб қилиб чиққанлар. Ўша даврда кенг тарқалган Тенглик, Биродарлик, Озодлик ғоялари Европа аёлларида ижтимоий-сиёсий фаолликни оширган эдики, улар таъсирида Францияда «Аёллар ҳуқуқлари декларацияси», Англияда суфражист-аёллар ва аболиционизм, Германияда «эркин аёллар», АҚШда «фаол феминистлар» пайдо бўлган. Ушбу ҳаракатлар аёлларни сиёсий-ҳуқуқий масалаларда эркаклар билан тенг қилиш, уларнинг парламент сайловларида қатнашишларини таъминлаш, савдо-сотик билан шуғулланиш ҳуқуқини қўлга киритишга интиланлар.

XIX асрнинг 60–70 йилларигача крепостнойлик расман сақланиб келди. Ҳатто XX асрнинг бошларида ҳам Европа аёлларининг сиёсий-ҳуқуқий мавқеи ўзгармаган эди. Ўша пайтда давлат бошлиғи бўлган аёллар бармоқ билан санокли бўлиб, ижтимоий-сиёсий вазифалар, лавозимларнинг барчаси эркаклар қўлида эди. Тўғри, ҳукмдорларнинг у ёки бу қарор қабул қилишига, ислоҳотлар ўтказишига уларнинг хотинлари маълум даражада таъсир ўтказган, аммо бу ҳол аёллар қатламининг сиёсий ҳуқуқидан дарак бермайди.

Аёллар масаласининг кенг миқёсда кун тартибига қўйилишига Европада сиёсий партияларнинг юзага келиши туртки бўлди. Биринчи ва иккинчи Интернационаллар ўз йиғилишларида аёл ва эркакни тенг ҳуқуқли деб тан олиш масаласини муҳокама қилганлар. Аёлларнинг сиёсий ҳуқуқини таъминлаш ва ҳимоя қилиш ҳозир ҳам кун тартибида турган масалалардан бири эканини Мехико (1975 йил), Копенгаген (1980 йил), Найроби (1985 йил) ва Пекин (1995 йил)да ўтказилган халқаро конференцияларнинг ҳужжатлари ҳам тасдиқлайди.

Ижтимоий-иқтисодий феминизм либерал ғоялар таъсирида юзага келган аёллар ҳаракатидир. Унда аёллар иқтисодий ҳаётда, бизнес ва тадбиркорликда, ишлаб чиқариш масалаларини ҳал этишда тенг ҳуқуққа эга бўлишни назарда тутадилар. Иккинчи жаҳон урушидан кейин бизнес дунёсида ўз иқтидори, саъй-ҳаракатлари билан эркаклардан қолишмайдиган тадбиркор аёллар пайдо бўлди. Айниқса сервис хизмати, маркетинг, ахборот тарқатиш бозорида хотин-қизлар барча ходимларнинг 60 %ни ташкил этмоқдалар. Бугун аёллар трансмиллий корпорацияларни бошқаришда ҳам фаол қатнашмоқдалар. Шу тариқа улар фуқаролик жамиятининг глобал воқеликка айланишига ҳисса қўшиб келяптилар.

Социобиологик феминизм аёл эркакка нисбатан эзгуликка, муросага мойил, эркак – зўравон, у ҳукмронлик қилишни севади, аёл – муросачи, у ҳаёт, тинчлик, тараққиёт тарафдори, деган ғояларни ҳимоя қилади. Мазкур ҳаракат тарафдорлари, барча урушларнинг сабабчилари эркаклар, энг ёвуз

куролларни, миллионлаб одамларни қирғин қилган воситаларни айнан эркаклар кашф этган деган фикрни билдирадилар. Уларнинг назарида эркак ижтимоий-табiiй белгиларига кўра бузғунчи, урушқоқ, аёл – ҳаёт посбони, тинчлик, осойишталик, яратиш тарафдори.

Мазкур ҳаракат тарафдорлари кўп эмас. Бундай фикрлаш асосан Европадаги айрим аёл-тадқиқотчиларга, инсон зотига тор қарашга ўрганган феминистларга хосдир. Т. В. Бендас уни «маданий феминизм» деб атаган¹. Диссертантнинг фикрича, ушбу ном ҳаракатнинг мақсадига мос келмайди, уни социобиологик, яъни ижтимоий-табiiй белгиларга эътибор қаратган ҳаракат дейиш ўринлидир.

Сепаратистик ёки анархистик феминизм жинслар ўртасидаги алоқаларни узишга даъват этувчи оқимдир. Унга кўра, эркак зоти ва унинг таъсиридан кутулиш аёлнинг шахс сифатида ўсишига ёрдам беради². Ушбу қарашнинг илк куртагини амазонкаларда кўриш мумкин. Моддий таъминланган, радикал феминистик қарашларга эга аёллар, аксинча, эркакларни ўзига тобе тутишга интиладилар. Улар эркакларсиз яшаш ғоясини тарғиб этадилар. Бундай аёлларнинг ижтимоий муносабатларда фаол қатнашишини тасаввур қилиш қийин, чунки инсон ҳаётининг барча қирралари жинслар ўртасидаги муносабатларнинг моҳияти билан боғлиқ.

Ғарбда ижтимоий муаммоларни ҳал қилишдаги зиддиятлар, курашлар феминист аёлларнинг экстремистик ҳаракати ва туғилишни чеклаш тарафдорларини юзага келтирди. Бу аслида қонун, ҳуқуқ нуқоби остида рўй бераётган эркаклар шовинизмига қарши қаратилган ҳаракатдир.

Кейинги йилларда баъзи мамлакатларда **трансплантация** йўли билан ўз жинсини ўзгартирувчи кишилар пайдо бўлди. Эркак кишининг аёлга айлантирилиши ҳоллари баъзан учраб турибди. Диссертантнинг фикрича, аёлга айлантирилган эркаклар ўз жинсига қарши чиқиб, табиат инъом этган сифатлардан, имкониятлардан ўзини маҳрум қилади. Ушбу ҳаёт тарзини кўллаб-қувватловчи кишилар ҳам, жинсидан воз кечишни истовчилар ҳам кўп бўлмайди. Инсон у ёки бу хислатларини ўзгартириши мумкин, лекин табиат вужудига жо этган биологик кучни бутунлай енголмайди.

Гуманистик феминизм деганда аёл ва эркакларга ҳар хил қадрият, тартиб, яшаш тарзи хос, деган анъанавий қарашларни қайта кўриб чиқишга даъват этувчи ҳаракат тушунилади. Гуманистик феминизм аёл ва эркак ўртасидаги фарқли хусусиятларга антагонизм даражасидаги зиддият деб эмас, балки инсонпарварликнинг намоён бўлиши сифатида қарайди. У инсоннинг жамиятга эмас, балки, Э.Фромм ибораси билан айтганда, жамиятнинг инсонга мослашиши³ концепциясидан келиб чиқади. Агар ушбу концепция аёл, фемина нуқтаи назаридан талқин қилинса, жамият аёл манфаатларига мослашиши лозим, деган гуманистик хулоса келиб чиқади.

¹ Қаранг: Бендас Т.В. Гендерная психология. – СПб., Питер, 2007. – С. 16.

² Ўша жойда.

³ Қаранг: Фромм Э. Гуманистический психоанализ. – СПб.: Питер, 2002. – С. 506.

Гуманистик феминизм жамиятни инсонпарварлаштириш мақсадини кўзлайди. Аслида, бу фуқаролик жамиятининг ҳам мақсадидир. Аммо феминизм аёллар аҳволини инсонпарварлаштиришга урғу беради. Нима бўлганда ҳам, гуманистик феминизм билан фуқаролик жамияти, моҳиятан бир мақсадга етишни назарда тутлади.

Ҳар бир халқ, миллат ўзининг тарихий-маданий қадриятларига эга, ушбу бойликларни нигилистларча инкор қилиб бўлмайди. Аёллар ҳуқуқларини, феминизмни ушбу тарихий-маданий қадриятлар билан боғлашга, асослашга интилувчи қарашларни биз **муросавий феминизм** деб атаёмиз.

Муросавий феминизм мавжуд анъаналарни ҳисобга олади, аёлларнинг ташаббусини, ижодий изланишларини тарихий-маданий қадриятлар билан уйғунлаштиришга интилади. Жамиятга тадрижий (эволюцион) ривожланиш хослигидан келиб чиқиб, аёллар масаласини асрлар давомида шаклланган ижобий, тараққиётпарвар анъаналар ва тажрибаларга мувофиқ ҳал қилишга интилади. Масалан, Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар хотин-қизларни давлат қурилишига ва фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнларига кенг жалб этиш масалаларини халқимизнинг тарихий-маданий қадриятлари билан уйғунлаштириш, уларга бир-бирини бойитиб келувчи воқеликлар сифатида қараш концепциясидан келиб чиқади. Шунинг учун ҳам республикамиздаги аёллар масаласи билан шуғулланувчи ташкилотлар, ҳаракатлар чет эллардаги радикал феминизмни кўр-кўрона кўчириш йўлидан эмас, балки аёлларимиз ташаббуси, интилишлари ва саъй-ҳаракатлари халқимизнинг тарихий-маданий қадриятлари, тажрибаларига мувофиқ келишини назарда тутлади.

Феминизм моҳиятан демократик ҳодисадир. **Демократик феминизм** деганда биз жамиятда умуминсоний демократик қадриятларни қарор топтиришни мақсад қилиб қўйган аёллар ҳаракатини назарда тутамиз. Улар нафақат ўз ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш, балки жамиятда амалга оширилаётган демократик ислохотларни қўллаб-қувватлаш, глобал воқеликка айланаётган демократик қадриятларни қарор топтириш учун ҳам курашадилар.

Демократик феминизм фуқаролик жамиятини шакллантиришга хизмат қилади, чунки у фуқаролик жамияти аёлларнинг ҳуқуқларини тўлиқ таъминлаш ва ҳимоя қилиш механизмларини яратишини яхши билади. Шунингдек, у феминизмнинг ўзи либерал-демократик қарашлардан ўсиб чиққанини, ижтимоий-тарихий ривожланиш жараёнларида айнан либерал-демократик концепциялар ўзига ғоявий асос, таянч бўлганини унутолмайди.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Ўзбекистонда аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш масалалари**» деб аталади ва унда «Феминизм фалсафаси: реаллик ва ривожланиш истиқболлари» (2.1.), «Аёлларнинг давлат бошқаруви ва сиёсий партиялар фаолиятидаги иштироки» (2.2.), «Аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишда

нодавлат ташкилотларининг ўрни» (2.3.), «Оммавий ахборот воситалари ва аёллар» (2.4.) мавзулари тадқиқ этилган.

XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, Ғарб давлатларида ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий муносабатларнинг феминизациялашуви жараёни бошланди. Жаҳон миқёсида аёллар ва эркакларнинг тенг ҳуқуқлилиги кўплаб демократик давлатларнинг конституциялари, инсон ҳуқуқларига доир халқаро ҳужжатлар, шартнома ва конференцияларда ўз ифодасини топди. БМТ Низоми (8-модда), Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси (1948 й.), Хотин-қизлар ҳуқуқларини камситишнинг барча шакллариغا барҳам бериш тўғрисидаги конвенция (1979 й.) (Ўзбекистон ушбу конвенцияга 1995 йилда қўшилди) ана шулар жумласидандир.

Аёлларнинг асрий орзу-умидлари, ҳуқуқ ва манфаатларини ифода этувчи ҳуқуқий асоснинг пайдо бўлиши аёлларнинг сиёсий ҳуқуқларини тиклай бошлади. Аёл – сиёсат субъекти сифатида эркаклар билан бир қаторда тарихий жараёнларнинг ҳақиқий курашчисига айлангани боис жаҳон сиёсатида катта ютуқларни қўлга киритмоқда. Ҳозирда Бирлашган Миллатлар Ташкилотига расман 193 та давлат аъзо. Улардан 19 тасига аёллар раҳбарлик қилишмоқда. Буюк Британия ва Данияни қироличалар, тўққизта давлатни (Чили, Финляндия, Ирландия, Швейцария, Либерия, Латвия, Филиппин, Исроил, Қирғизистон) аёл президентлар бошқаряптилар. Олти нафар аёл (Германия Федерацияси, Ямайка, Янги Зеландия, Мозамбик, Жанубий Корея, Нидерландия Аптилиясида) бош вазир лавозимларида фаолият кўрсатмоқдалар. Дунё давлатларининг бир палатали парламентлари ёки қуйи палаталарида аёллар ўртача 17,2 % ни, юқори палаталарда эса 15,9 % ни ташкил этадилар. Бу кўрсаткич Жанубий ва Шимолий Америкада – 21,7 % ни, Европа мамлакатларида – 17,4 %, Африкада – 16,6 %, Осиёда – 16,4 %, араб мамлакатларида – 9,3 %, Руандада – 48,8 %, Швецияда – 45,3 %, Норвегияда – 37,3 %, Финляндияда – 37,5 %, Данияда – 26,9 % ни ташкил этади. АҚШ бу борада 83-ўринни эгаллайди.

Дунёнинг 19 та давлатида парламентдаги аёллар 30 % дан ортади. Бу борада Скандинавия мамлакатлари юқори ўринларни эгаллаб туришибди. Шу боис ҳам Швеция, Руанда, Дания, Финляндия, Нидерландия феминистик давлатлар номини олишган. Шу ўринда Бирлашган Миллатлар ташкилоти томонидан «Аёллар ўн йиллиги»нинг (1976–1985) эълон қилинганлиги аёлларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги сиёсий мавқеини мустаҳкамлашга ижобий таъсир кўрсатганлигини алоҳида қайд этиш зарур. Аммо шуни ҳам таъкидлаш жоизки, баъзи мамлакатлар (Баҳрайн, Микронезия, Науру, Непал, Палау, Сент-Китта и Невис, Саудия Арабистони, Бирлашган Араб Амирликлари, Тувалу, Соломон Ороллари) парламентларида аёллар кузатилмайди.

XXI асрда бутун дунёда феминизация жараёни ривожланиши кузатилмоқда. Айрим сиёсатчи ва публицистларнинг башоратига кўра, 2050 йилга бориб дунё давлатларининг 30 фоизига, яъни 47 та давлатга

аёллар раҳбарлик қилишади. Ҳозирда ушбу кўрсаткич 10,1 фоизни ташкил этади. Бизнинг фикримизча, давлатни қайси жинсга мансуб шахс бошқариши асосий масала эмас. Бугунги сиёсий воқелик таҳлили шундан далолат берадики, «давлатни фақат эркак бошқариши керак, чунки эркак биологик кучли ва рационал таҳлилларга эга»¹ ёки, аксинча, «давлатни аёллар бошқарсагина урушларга чек қўйилиб, тинчлик ҳукмронлик қилади, чунки аёллар табиатан мурасосоз (дипломат)дирлар»² деган бир томонлама ёндашувлар замонавий ижтимоий тараққиёт қонунлари томонидан инкор этилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов томонидан ишлаб чиқилган бозор муносабатларига ўтишнинг «ўзбек модели» «аёллар» масаласини янгича, миллий демократик тараққиёт нуқтаи назаридан ҳал этишга ундади. Диссертантнинг фикрича, ушбу ёндашувнинг асосларини давлатимиз раҳбарининг қуйидаги фикрлари ташкил этади: Биринчиси. «...Жамиятнинг демократик ўзгаришлар йўлидан нечоғли илгарилаб кетгани, шу жамиятнинг аёлларга бўлган муносабати унинг маданий-маънавий савиясини белгилайди»³.

Иккинчиси. «...Муҳтарам оналаримиз, опа-сингилларимиз, аёлларимиз, қизларимизнинг жамиятдаги мақомини ва мавқеини кўтариш, ҳурматини жойига қўйиш, манфаатини ҳимоялаш, уларнинг меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш давлатимиз, жамиятимизнинг устувор йўналиши ва бош мақсадига айланиши лозим»⁴.

Учинчиси. «...Оналаримиз, опа-сингилларимиз, умр йўлдошларимиз, қизларимизнинг жамиятдаги ўрни ва мавқеини янада ошириш, иззат-икромини жойига қўйиш, уларнинг оғирини енгил қилиш – давлатимизнинг, ҳукуматимизнинг, жойлардаги ҳокимликларнинг, кенг жамоатчиликнинг асосий вазифаси бўлмоғи лозим»⁵.

Ушбу фундаментал аҳамиятга эга бўлган фикрлардан кўриниб турибдики, Ўзбекистонда ижтимоий муносабатлар патриархат, матриархат, диний ёки коммунистик ёндашувлар эмас, балки «аёл – улуғ зот» қондаси асосида қурилади. Бу эса ижтимоий муносабатларнинг «субъект–объект» эмас, «субъект–субъект» шаклида ташкил этилишини аңлатади. Тарихий тараққиётдан маълумки, ижтимоий муносабатларда ҳамиша «субъект–объект» қондасига устуворлик бериб келинди. «Ўзбек модели»да «субъект–объект» муносабатларининг «субъект–субъект» шаклида ифодаланиши ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги янгиликдир.

¹ Қаранг: Платон. Сочинения. В 3-х т. Т. 3. Часть 1. – М.: Мысль, 1971. – С. 248.

² Қаранг: Бендес Т.В. Гендерная психология. – СПб.: Питер, 2007. – С. 15.

³ Қаранг: Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда // Биз ўз келажагимизни ўз қўлларимиз билан қураимиз. Т.7. – Тошкент: Ўзбекистон, 1999. – Б. 385.

⁴ Қаранг: Каримов И.А. Келажақни жасоратли одамлар қуради // Биз ўз келажагимизни ўз қўлларимиз билан қураимиз. Т.7. – Тошкент: Ўзбекистон, 1999. – Б. 332.

⁵ Қаранг: Каримов И.А. Қонун ва адолат устуворлигининг ҳаётбахш манбаи // Биз ўз келажагимизни ўз қўлларимиз билан қураимиз. Т.7. – Тошкент: Ўзбекистон, 1999. – Б. 257.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон қонунчилиги ва амалиётида «сиёсат – эркакларнинг иши» деган ҳукмрон дунёқарашга барҳам берилди. 2007 йил 27 декабрдаги президентлик сайловида «Адолат» социал-демократик партиясидан номзод сифатида кўрсатилган Дилором Тошмухамедованинг давлат раҳбарлиги лавозими учун кураш олиб боргани мамлакатимизда демократик жараёнларнинг ривожланаётганидан далолатдир. 2004–2009 йилларда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларининг 21 нафари (18 %), Сенат аъзоларининг 15 нафари (15 %) аёллардан иборат бўлди. Аёллар вилоят, шаҳар, халқ депутатлари Кенгашларида – 12,5 %, туман кенгашларида – 15 %, ижро этувчи ҳокимият органларида – 3,4 %, суд органларида 27 %ни ташкил этди. Парламентнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили ҳам аёл кишидир. Бугунги кунга келиб, 2009 йилги сайловлардан сўнг, аёллар Олий Мажлис Қонунчилик палатасида 22% ни, Сенатда эса 15%ни ташкил этмоқда.

Аммо, шунга қарамай, муаммо узил-кесил ҳал этилгани йўқ. Ҳозирда ишлаб чиқаришда банд бўлган аёллар кишлоқ хўжалигида – 42,4 %, саноатда – 42,8 %, маорифда – 68 %, маиший хизматда – 70 %, соғлиқни сақлаш тизимида – 75,9 %, маданиятда – 76 % ни ташкил этмоқда¹. Ушбу кўрсаткичлар, табиий равишда, аёлларнинг давлат бошқарувидаги ролини оширишни объектив заруриятга айлантиради.

Фуқаролик жамиятини шакллантириш ва аҳолининг, жумладан аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, аёл ва болаларни ижтимоий ҳимоя қилишда нодавлат ташкилотлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари улкан аҳамиятга эга. Айниқса, «Сен ёлғиз эмассан», «Меҳр нури» жамғармалари бу борада таҳсинга лойиқ ишларни амалга оширмоқдалар².

Бугун Ўзбекистонда аёлларга оид баъзи муаммоларни ҳал этишда давлат органлари билан яқиндан ҳамкорлик қилаётган нодавлат нотажорат ташкилотларининг ўрни каттадир. Масалан, «Истикболли авлод» ахборот маърифат марказлари³ Ўзбекистоннинг 10 та вилоятида фаолият юритиб, ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум асосида одам савдосининг олдини олиш ва ундан жабрланган аёлларни реабилитация қилиш билан шуғулланмоқдалар. Мазкур ННТларнинг фаолияти Ўзбекистон ҳукумати томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (ПҚ-911 сонли 2008 йил 7 июль) Қарорининг

¹ Қаранг: Орипова Ф. Аёл – милат таянчи // Қалқон. – Тошкент, 2008. – №3. – Б. 9.

² Қаранг: Шайхова Х.А. Ўзбек аёли – одоб тимсоли. – Т.: Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2007. – Б. 30–32.

³ Уларга Тошкент шаҳридаги “Истикболли авлод” ёшлар ахборот маърифат маркази, Андижонда “Меҳримиз сизга” аёллар ва уларнинг оила аъзоларини қўллаб-қувватлаш маркази, Жиззах “Истикболли авлод” маркази, Нукус “Исеним” ахборот-маърифат ресурс маркази, Бухоро, Самарқанд, Сирдарё ва Сурхондарёдаги “Истикболли авлод” ахборот-маърифат марказлари ҳамда Урганч “Истикбол” аёллар маркази киради.

1-иловаси сифатида тасдиқланган 2008–2010 йилларда одам савдосига қарши кураш бўйича миллий режанинг II бўлими 5, 6-бандларида, III бўлими 2, 3-бандларида бошқа давлат ва нодавлат ташкилотлар билан биргаликда «Истиқболли авлод» ташкилотларига ҳам аҳоли орасида профилактик ишлар олиб бориш, хорижга чиқадиган фуқароларга ҳуқуқий маслаҳатлар беришни уюштириш, «одам савдоси» жиноятидан жабрланганларга ижтимоий ёрдам кўрсатишни ташкил қилиш вазифа қилиб белгиланган.

Аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини юксалтириш вазифалари билан **бевосита** Ўзбекистон ҳуқуқшунос аёлларининг жамоат бирлашмаси, «Шарқ аёли» халқаро аёллар жамғармаси, «Аёл ва жамият» институти, «Камолот» Республика ёшлар ижтимоий ҳаракати қошидаги «XXI аср аёли» марказлари ҳам шуғулланадилар.

Аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ташкил этиш ва юксалтиришни **билвосита** амалга ошираётган ННТларга Ўзбекистон олима аёлларининг «Олима» уюшмаси, Ўзбекистон ишбилармон аёллари «Тадбиркор Аёл» ассоциацияси, Қорақалпоғистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси қошидаги «Ижодкор аёллар» жамоат бирлашмаси, «Фахрия аёллар» уюшмаси, «Мадад» ишонч маркази, «Гендер: инновациялар ва ривожланиш» маркази, Тошкент шаҳар Лидер Аёллар Маркази ҳамда Тошкент шаҳар Ижтимоий ва гуманитар тадқиқотлар маркази кабилар мисол бўлиши мумкин.

2005 йил Ўзбекистон Республикасида ННТларнинг фаолиятини аниқ ижтимоий мақсадларга йўналтириш, уларнинг фуқаролик жамиятининг фаол институтларига айланишига услубий ва амалий ёрдам бериш мақсадида Ўзбекистон Нодавлат ноижорат ташкилотлари Миллий ассоциацияси ташкил этилди. Ҳозирги кунда ушбу ташкилот атрофига 5 мингдан зиёд ННТ бирлашган, уларнинг 20–23 % бевосита аёллар масаласи билан шуғулланадиган ташкилотлардир.

Нодавлат ноижорат ташкилотларнинг 18,5 % аёлларни давлат дастурларини амалга оширишга, 3,7 % қонунлар ишлаб чиқиш ва муҳокама қилишда иштирок этишга жалб қилади¹. Респондентларимиз жавоблари эса қуйидаги маълумотларни берди. «Сиз қандай ижтимоий-сиёсий тадбирларда кўпроқ иштирок этасиз?» деган саволга аёлларнинг 52 % – «сайлов компанияларини ўтказишда», 20 % – «Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини тарғиб этиш ва ёшларга тушунтиришда», 10 % – «маҳаллий ҳокимиятнинг ташкилий ишларида», 16 % – «ўзини ўзи бошқариш органларининг ташкилий бошқарув ишларида», 2 % эса «кам иштирок этаман» деб жавоб берган. «Сайлов компанияларида иштирок этаман» (52 %) деб жавоб берганлар ичида олий маълумотли аёллар 78 %ни ташкил этади.

¹ Қаранг: Ўзбекистон аёллар нодавлат ноижорат ташкилотлари. Маълумотнома. – Тошкент, 2000. – Б. 17.

Олий маълумотли, малакали ва тажрибали аёллар маҳаллий ҳокимият тадбирларида иштирок этишга интиладилар. Чамаси бундай аёллар ижтимоий-сиёсий фаоллигини шаҳар, туман, вилоят поғонасидаги давлат бошқарув институтлари фаолияти билан боғлашга, ушбу поғонадаги тадбирларни уюштиришга ўзларини тайёр деб биладилар. Бу, бир томондан, олий маълумот ва юқори малаканинг аёллар психологиясига, ўзининг имкониятлари ҳақидаги тасаввурларига ижобий таъсир этишидан, иккинчи томондан, уларнинг ижтимоий-сиёсий вазифаларни дадил ўз зиммаларига олишга тайёрлигидан дарак беради.

«Нодавлат ташкилотлари яна қандай ижтимоий-сиёсий муаммоларни ҳал этишда қатнашиши лозим деб ҳисоблайсиз?» деган саволга аёлларнинг 41 % – «аёлларнинг ижтимоий-сиёсий ҳуқуқларига оид билимлар тарқатилса», 37 % – «давлатнинг аёллар муаммоларини ечишга оид сиёсати тушунтирилса», 32 % – «аёлларнинг сиёсий онги ва маданиятини оширишга оид халқ университетлари очилса», 23 % – «илғор давлатлардаги феминистик ҳаракатлар билан таништирилса», 17 % – «аёл-сиёсатшунослар билан учрашувлар, давра суҳбатлари уюштирилса», 12 % – «гендер тенгликни таъминлашнинг самарали ҳуқуқий механизмлари ишлаб чиқилса», 11 % – «давлатни бошқаришида кўпроқ аёллар қатнашса», 4 % – «ОАВ, айниқса телевидениеда махсус кўрсатувлар намойиш этилса яхши бўларди», деб жавоб бердилар.

Олинган жавоблар шуни кўрсатдики, ННТларда ишлаётган аёллар ижтимоий-сиёсий ҳаётга оид энг муҳим йўналишлар ҳақида етарли тасаввурларга эга, улар айнан ушбу йўналишлар ННТлар фаолиятини ҳамда аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини юксалтиришга хизмат қилишини етарли даражада яхши биладилар. Уларнинг деярли ярми ўзида, аёлларда ижтимоий-сиёсий ҳуқуқларига оид билимлар камлигини қайд этдилар ва бу борада чора-тадбирлар кўрилишидан умидвор эканликларини билдирдилар. Бизнинг фикримизча, ушбу респондент аёллар дунёда кечаётган ижтимоий-сиёсий ўзгаришлардан хабардордирлар, шунинг учун улар мураккаб ижтимоий-сиёсий борлиқни идрок этиш учун махсус тайёргарлик, билим зарурлигини қайд этдилар.

Фуқаролик жамиятида сўз ва ижод эркинлиги энг муҳим белгилардан бири ҳисобланади. Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, “ҳозирги даврда матбуот, оммавий ахборот воситалари шундай қудратли кучга айланмоқдаки, ўз келажагини ўйлайдиган халқ ва миллат бунга сезмаслиги, ҳис этмаслиги мумкин эмас”¹. Инсоннинг қандай қадриятлар, тамойилларни намуна, идеал, ҳаётий мақсади қилиб олгани унинг сўз ва ижод эркинлигида намоён бўлади. Бироқ сўз ва ижод эркинлиги моҳиятан ижтимоий фаоллик билан боғлиқдир. Инсон ўзининг манфаатлари ва

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – Б.135.

қизиқишларини ҳимоя қилиш ёки рўёбга чиқариш учун сўз ва ижод эркинлигидан фаол фойдаланади.

Оммавий ахборот воситаларларида аёл ва сиёсат, аёлларнинг жамият, давлат бошқарувидаги иштироки масалалари замон талаблари даражасида муҳокама қилинмайди, эълон қилинаётган мақолаларда комплиментация, арзимаган ютуқни мақташ, новация сифатида кўрсатиш устун туради. Лекин аёлларнинг ахлоқи ва оилавий муносабатлардаги ўрни масалалари босма нашрлардан тушмайди. Аёллар ўртасида “Бекажон”, “Бегойим”, “Қайнона”, “Дилбарим”, “Сўғдиёна”, “Келинчак” каби нашрлар кенг тарқалган. Ўтказилган сўровда қатнашган респондентларнинг 71% “Бекажон”, “Бегойим”, “Даракчи”, “Қайнона” каби газеталарни, шунда ҳам онда-сонда ўқиб бориши маълум бўлди. Ижтимоий-сиёсий характердаги газеталар жавоблар ичида охириги ўринни эгаллади. “Қандай мавзуларни ўқиб борасиз?” деган саволга респондентларнинг 50% – “оилавий мавзуларни” ва “ишқ-севги ҳикояларини”, 32% – “машҳур аёллар ҳаёти” ва “қайнона-келин муносабатлари ҳақидаги материалларни”, 12% – “пазандачилик ва уй-рўзғор юритиш, сиҳат-саломатлик рукнларини”, 5% – “ҳуқуқий мавзуларни”, 1% “эълонлар” ва “ижтимоий-сиёсий мавзуларни” деб жавоб берган. Охириги жавоб аёллар ижтимоий сиёсий муаммолар билан қизиқмаслигини эмас, балки, аксинча, аёл ва сиёсат муаммолари оммавий ахборот воситаларида кам муҳокама қилинаётганини, оммавий ахборот воситалари мазкур муаммога жамият ва аёллар диққатини жалб қилишга кам эътибор бераётганини кўрсатади.

Аёллар табиатан ахборотларга муштокдирлар. Уларнинг кўпчилиги оғзаки нутқ, вербал воситалар билан бажариладиган касб-корни танлашлари ҳам шундан. Қиз бола эрта гапиради, ўғил бола ҳатто икки-уч ёшигача ўз фикрини аниқ билдиrolмай юради¹.

“Ўзбекистонда демократик янгилашлар жараёнини чуқурлаштириш ва фуқароларнинг эркинлигини таъминлашнинг ғоят муҳим шарти, – дейди давлатимиз раҳбари И.А.Каримов, – бу оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш учун демократик андазаларни жорий этиш бўйича аниқ ва изчил чораларни амалга оширишдир”². Зеро, “демократик меъёрлар, инсон ҳуқуқлари, ахборот эркинлиги ривожланиши наинки ижтимоий фикрни, балки шахснинг ўзини ҳам ҳар жиҳатдан фаоллаштиради. Бу, биринчидан, жамият аъзолари сиёсий маданиятининг юксалишига хизмат қилса, иккинчидан, фуқаролик жамиятининг ривожланиши ижтимоий фикрнинг фаоллашуви ва ахборот эркинлигининг кенгайиши, демократия

¹ Қаранг: Пиз А., Пиз Б. Как заставить мужчину слушать, а женщину молчать. – М.: ЭКСМО, 2006. – С. 95-115.

² Каримов И.А. Ўзбекистон жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ қилиш йўлида // Оммавий ахборот воситаларини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари. – Тошкент: Akademiya, 2005. – Б.245.

тамойилларининг қарор топиши ҳамда сиёсий маданиятнинг юксалишига зарур шарт-шароит яратади”¹.

Демак, аёлларнинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маънавий-маданий соҳалардаги фаоллигини оширишда, уларнинг сиёсий маданиятини юксалтиришда ахборот эркинлигининг, ОАВ ривожланишининг аҳамияти бекиёсдир.

ОАВда тайёрланган кўрсатувлар, эшиттиришлар ва публицистик материалларда кўпинча аёлларимиздаги шарқоналик, оиласига ва фарзандларига меҳрибонлик, эркалар билан тил топиб яшаш хислатлари, аслида итоаткорлик, чиройли кийиниш ёки пазандалик кўз-кўз қилинади. Бундай ёндашувлар аёллар масаласини объектив ёритишга, унга ижтимоий муаммо сифатида жамоатчилик фикрини уйғотишга ёрдам бермайди. Аёлларимизда ижобий фазилатлар кўп, улардаги оилапарварликни ҳар қанча улуғласак арзийди. Бироқ аёллар масаласи микромуҳитдаги воқеалар билан чегараланиб қолмайди. Шунинг учун аёлларни иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг фаол субъектларига айлантиришга доир кўрсатувларни, эшиттиришлар ва мақолаларни кўпайтириш ва уларнинг сифатини ошириш зарур.

Диссертациянинг «**Бозор муносабатлари шароитида аёлларнинг иқтисодий фаоллигини ошириш масалалари**» деб аталган учинчи бобида «Бозор муносабатларига ўтишнинг хусусиятлари ва аёллар масаласи» (3.1.), «Иқтисодий омиллар ва уларнинг аёллар миграциясига таъсири» (3.2.), «Аёлларни мулк субъектларига айлантириш – объектив ижтимоий зарурият» (3.3.), «Ўзбекистонда аёллар бандлиги: муаммолари ва ечимлари» (3.4.) мавзулари тадқиқ этилган.

Ижтимоий тараққиётнинг негизини доимо иқтисодиёт, жамиятда етакчилик қилаётган иқтисодий муносабатлар белгилаб келган. Субъектив омилларнинг ўрни қанчалик юқори бўлмасин, улар ҳам пировардида иқтисодий муаммоларни ҳал этиш орқалигина маънавий-маданий воқеликка айланади.

Либерализм шахс манфаатларини ҳимоя қилади, гоҳида уни ижтимоий, гуруҳий манфаатлардан устун қўяди. Ушбу ёндашув баъзи тадқиқотчиларимизни шахсий манфаат билан ижтимоий манфаатлар ўртасида рақобат бўлиши зарур, «бу ҳар қандай цивилизациялашган давлатнинг функцияси»², деган хулосага олиб келган. Диссертантнинг фикрича, рақобат иқтисодий манфаатлар мавжудлигининг шарти ва ягона мақсади эмас, манфаатлар, ҳатто ўзаро зид келган тақдирда ҳам, умумий мақсадга эришиш учун бирлашиши мумкин. «Цивилизациялашган

¹ Ў Каримов И.А. Ўзбекистон жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ қилиш йўлида // Оммавий ахборот воситаларини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари. – Тошкент: Akademiya, 2005. – Б.240.

² Қаранг: Адилходжаева С.М. Либерализм: эволюция идей от прошлого до настоящего (теория и практика). – Тошкент: ТДЮИ, 2002. – С. 77.

давлатнинг функцияси»га нафақат рақобат, балки муроса, ўзаро келишув ҳам киради.

Диссертацияда бозор муносабатлари аҳолининг барча қатламларига: аёллар ва эркаклар, ёшлар ва қариялар, соғлом ва ногиронларга баб-баравар тааллуқли воқелик экани очиб берилган. Бозор муносабатлари ҳар бир кишини қилган меҳнатига, тадбиркорлиги ва ишбилармонлигига қараб тақдирлайди, фаровон яшаш имконини беради.

Ўзбекистонда аёлларни ижтимоий-иқтисодий ҳаётга жалб этиш, хусусий мулк эгаларига, субъектларига айлантириш ўзига хос белгиларига эга.

Биринчидан, ўзбек аёллари кўп болалидирлар. Ушбу белги уларни кўпроқ оилага, фарзандлар тарбиясига боғлаб қўяди. Ҳозир 5-6 нафар фарзандли аёллар кам учрайди, шаҳарларда эса 1-2 бола билан чекланиш анъанага айланмоқда. Лекин қишлоқ аёлларида 3-4 нафар фарзандли бўлишга интилиш сақланиб қолмоқда. Бу эса уларнинг мулк субъектлари сифатида ижтимоий-иқтисодий ҳаётда фаол қатнашишларида маълум бир тўсиқларни юзага келтиради.

Иккинчидан, мулк эгасини эркак образида кўриш каби нотўғри тасаввур боис гендер нотенглик ҳоллари мавжуд. Натижада бугун бизнесда асосан эркаклар етакчилик қилмоқдалар.

Учинчидан, Ўзбекистон Республикаси аёллар ва эркакларнинг тенг ҳуқуқли эканини кафолатловчи ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилган бўлса-да, гендер нотенглик ҳоллари ҳали оилаларда, этномаданий ҳаётда учраб турибди. Қишлоқларда бу ҳол яққол кўзга ташланади. Масалан, қишлоқ аёли фермер хўжалигида меҳнат қилади, уйига келгач овқат пиширади, фарзандларига қарайди, турли урф-одатларни бажаради ва ҳоказо. Ушбу омиллар унинг хусусий мулк эгаси бўлиш учун курашишига халақит беради. Шу боис у, нари борса, фермерга ёлланади.

Бундан ташқари, хусусий мулкка эга бўлиш истагида ўзига хослик кўзга ташланади. Аёллар хусусий мулкка уни янада кенгайтириш, янгидан-янги маҳсулотлар яратиш, иш жойлари очиб, ҳудудда ёки соҳада барқарор мавқега эришиш эмас, балки оилавий-моддий шарт-шароитларини яхшилаш манбаи деб қарашга мойилдирлар. Улар учун умумий ижтимоий-иқтисодий тараққиёт эмас, балки оилавий ҳаётни фаровонлаштириш биринчи галдаги вазифадир.

Бозор иқтисодиётига ўтилиб, хусусий мулкчиликнинг тикланиши аёлларда хусусий корхона очиш, фарзандлари ёки турмуш ўртоғи шундай корхона эгаси бўлишини кўриш истагини юзага келтирган. Шу боис респондентларнинг 31 % «хусусий корхонам бўлишини истайман» деб жавоб берган. Лекин бу жавоб уларнинг хусусий корхона очишга тайёр эканликларини билдирмайди. Эътиборлиси шундаки, ушбу жавоб билан уни реал ҳаётга жорий этишга интилиш ўртасида катта фарқ мавжуд. Бу респондентларнинг «Агар лотерея ўйинида катта пул ютсангиз, уни нимага

сарфлаган бўлардингиз?» деган саволга берган жавобларида яққол намоён бўлади. Аёлларнинг 62 % «янги ҳовли сотиб олардим», «квартирамни кенгайтирардим», деб жавоб берганлар. Бу ўринда ҳам ўзбек аёлининг уй-жойи, оиласини ўйлаётгани кўзга ташланади. Уларнинг 30 % «ўғлимни уйлантирардим ёки қизимга мебел олардим», деб берган жавоби ҳам юқоридаги жавобга яқиндир. Респондентларнинг атиги 8 % ютган пулларини янги корхона ёки хусусий фирма ташкил этишга сарфлашини билдирган. Чамаси «оилани боқиш, пул топиш – эркакларнинг иши», деган эскича тасаввур ўзбек аёлларини ҳали тарк этмаган.

Қонунларга мувофиқ аёл ва эркак қилган меҳнати, лавозими ва малакасига мувофиқ ҳақ олади. Шунга қарамай, аёл ва эркакнинг меҳнат ҳақлари ўртасида фарқ сақланиб қолмоқда. Аёлларнинг ўртача ойлик маоши эркаклар ўртача ойлик маошининг 89,9 % ини ташкил қилади. INTAS лойиҳаси муалифларининг маълумотларига кўра, Қашқадарё, Самарқанд, Тошкент ва Фарғона вилоятларида қишлоқ хўжалигида хизмат қилаётган аёлларнинг 62,3 %, ёлланиб ишловчиларнинг 34,5 % олаётган маошларидан қониқмайдилар. Шаҳар аёлларида ҳам меҳнат ҳақини паст деб ҳисобловчилар 46,6 % ни ташкил этади¹.

Меҳнат ҳақидан қониқаётганлар орасида олий маълумотли аёллар кўпчиликни ташкил қилади. Олий маълумотли аёллар асосий иш жойида олаётган меҳнат ҳақи билан чекланиб қолмайдилар, балки ўз малакасидан, бўш вақтидан унумли фойдаланиб, кўшимча даромад олишга интиладилар. Бугун юқори малакали мутахассислар меҳнатига эҳтиёж ортиб бормоқда. Аёллар ушбу эҳтиёжни дарров илғашади. Бундай меҳнат қилиш аёллар руҳияти, соғлиғига акс таъсир этиши ҳам мумкин. Асосий меҳнатдан кейин яна кўшимча ишлар, иккинчи меҳнат тури билан банд бўлиш нафақат жисмоний қувватни олади, балки кишини руҳий жиҳатдан ҳам толиқтириб кўяди. Айнан ушбу руҳий ҳолат оилавий муносабатларга ҳам таъсир этади, баъзан гендер тенгликнинг бузилишига сабабчи бўлади.

Маълумоти юқори бўлган, малакали мутахассис аёллар орасида иш қидираётганлар анча кўп. Махсус тадқиқотларнинг натижаларига қараганда, малакали мутахассис аёлларнинг 30,5 % иш излаб меҳнат биржаларига, 21,1 % – кадрлар бўлими ва иш берувчиларга, 41,5 % – қариндошлар ва таниш-билишларга, 12,1 % – бошқаларга мурожаат этганлар. Малакаси ва маълумоти йўқ аёлларнинг деярли ҳаммаси (95,1 %) иш қидирмаган, ҳеч кимга мурожаат қилмаган².

Ҳақиқатан ҳам, билими, онги юқори, маълум бир касб-корга, малакага эга аёллар ўз малакасини йўқотиб қўймаслик ва эл-юрт ҳаётига, ривожига ўз ҳиссасини қўшиш учун бор имкониятларини ишга соладилар, янги иш

¹ Қаранг: Марта Бруно. Социально-экономические условия сельских женщин Узбекистана. Материалы проекта INTAS / Международ. координатор: Университет Велверхемптона; Под общ. ред. А.Алимджановой. – Ташкент, 2001. – С. 85.

² Қаранг: Ўша асар. – Б. 90.

жойлари яратишга ёки топишга интиладилар. Махсус ўқув юртларида олган билими, орттирган тажрибалари уларни иш билан банд бўлиш учун чоралар кўришга ундайди. Бунинг учун улар эркаклардан камроқ маош олишга, хатто соати чекланмаган тартибда меҳнат қилишга ҳам тайёрдирлар. Иш билан банд аёллар шу соҳадаги эркакларга нисбатан ойига 20-25 соат ортиқ меҳнат қиладилар¹. Ваҳоланки, бундай тартиб Меҳнат кодексига, аёлларга қисқартирилган иш куни таклиф этиш тартибига зиддир. Лекин аёллар ушбу ҳуқуқларини ҳимоя қилмайдилар, иш топганидан хурсанд бўлиб, иш берувчининг ғайриқонуний талабларига ўз ихтиёрлари билан бўйсунадилар. Бу ўринда аёлларнинг меҳнат қонунларидан яхши хабардор эмаслиги, хабардор бўлган тақдирда ҳам, субъектив омиллар таъсирида, ўз ҳуқуқлари бузилишига йўл очиб бериши кузатилади.

Ўтказилган махсус тадқиқотлардан маълумки, Қашқадарё вилоятида респондент-аёлларнинг 58,4 %, Самарқанд вилоятида – 51,0 %, Тошкент вилоятида – 49,9 %, Фарғона вилоятида – 56,1 % иш билан банд. Улардан ёлланиб ишлайдиганлар тегишлича – 30,4 %, 20,8 %, 27,5 %, 29,7 % ва 27,1 %ни, деҳқон-фермер хўжалигида фаолият кўрсатувчилар – 8,9 %, 15,8 %, 12,2 %, 11,0 % ва 11,9 %ни, ўзининг уй боғчасида ишловчилар – 16,9 %, 7,8 %, 5,1 %, 10,2 % ва 4,0 %ни, яқка тартибдаги меҳнат тури билан бандлар 2,2 %, 4,0 %, 3,4 %, 2,5 % ва 3,0 %ни ташкил этади². Демак, қишлоқ жойларидаги аёлларнинг асосий қисми ёлланиб ишлайди. Улар иш билан банд аёлларнинг 20–30 % атрофидадир. Иккинчи ўринда ўзининг боғ-боғчасида ишловчи (17 %гача) аёллар туради. Қишлоқ аёлларининг атиги 3 %га яқини савдо-сотик, аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатиш билан шуғулланади.

Ёлланиб ишловчи аёллар қисқа муддатга – 4–5 ойга банд бўладилар. Уларнинг доимий меҳнат жараёнида иштирок этмаслиги қишлоқ хўжалигининг мавсумий хусусияти билан боғлиқ. Шунинг учун ушбу омилни кўп болали бўлиш билан боғлаш нотўғридир. Мавсумий иш билан банд киши доимий ишлашга ҳам тайёр бўлади. Минг афсуски, қишлоқ жойларида ушбу эҳтиёжни тўлиқ қондиришнинг имконияти чекланган.

Диссертациянинг тўртинчи боби «**Фуқаролик жамиятининг маънавий-маданий ва ижтимоий-ахлоқий қадриятларини шакллантиришда аёлларнинг ўрни**» деб аталган. Унда «Оила – маънавий-маданий ва ижтимоий-ахлоқий қадриятларни шакллантириш институти» (4.1.), «Маҳалла маънавий-маданиятини ташкил этиш ва бошқаришда аёллар фаоллигининг ўрни» (4.2.), «Хотин-қизларнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш ва ундан фойдаланиш масалалари» (4.3.), «Аёлларнинг сиёсий-ҳуқуқий маданиятини

¹ Қаранг: Марта Бруно. Социально-экономические условия сельских женщин Узбекистана. Материалы проекта INTAS / Международ. координатор: Университет Велверхемптона; Под общ. ред. А.Алимджановой. – Ташкент, 2001. – С. 90.

² Ўша жойда. – Б. 81.

ошириш – фуқаролик жамиятини шакллантириш омили» (4.4.) масалалари бўйича ўтказилган тадқиқот натижалари баён этилган.

Оила нафақат репродуктив, балки маънавий-маданий ва ижтимоий-ахлоқий вазифаларни ҳам бажаради. Халқнинг, миллатнинг ижтимоий-тарихий бирлик, социум сифатида қарор топиши ва ривожланиши учун оиланинг репродуктив функцияси қанчалик муҳим бўлса, уларнинг тарих саҳнасида қолиши, инсоният цивилизациясида ўз ўрнини топиши учун оиланинг маънавий-маданий ва ижтимоий-ахлоқий функциялари ҳам шунчалик муҳимдир. Шу боис ҳам Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислон Каримов: «Оила ҳақида гапирар эканмиз, авваламбор, оила ҳаётнинг абадийлиги, авлодларнинг давомийлигини таъминлайдиган, муқаддас урф-одатларимизни сақлайдиган, шу билан бирга, келажак насллар қандай инсон бўлиб етишишига бевосита таъсир кўрсатадиган тарбия ўчоғи эканини тан олишимиз даркор»¹, – деб таъкидлайди.

«Оилавий муносабатларни мустаҳкамлашда эр-хотиннинг маънавий-маданий қизиқишлари муҳим деб ҳисоблайсизми?» деган саволга респондентларнинг 31 % – «ха», 11 % – «унча эмас», 51 % – «йўқ» деб жавоб берган. «Йўқ» жавобини берганлар ичида олий маълумотлилар – 64 %, ўрта махсус маълумотлилар – 17 %, ўрта маълумотлилар эса 19 % ни ташкил этди. Қизиғи шундаки, «йўқ» деб жавоб берганларнинг аксарияти (82 %) 30–50 ёшдагилардир. Ҳар томондан фаоллик кўрсатиш имконига эга бўлган, оилали респондентларнинг бундай рад жавоби оилавий, энг аввало эр-хотин ўртасидаги муносабатларда муайян ўзгаришлар содир бўлаётганини кўрсатади. Диссертантнинг фикрича, бу ўринда респондентларнинг жавобларига моддий-иқтисодий қизиқишлар, бозор иқтисодиёти, ёрдамга муҳтож оилаларнинг мавжудлиги таъсир этган. Ишсизлик, истеъмол моллари ва хизмат ҳақларининг уч-тўрт баробар ошиши каби омилларнинг ижтимоий фикрга таъсир этишини ҳам унутиб бўлмайди. Ушбу таъсирларни оилани боқиш ўз зиммасида эканлигини билган 30–50 ёшдаги аёллар дарров сезганлар.

Шу билан бирга, респондентларнинг 31 % маънавий-маданий қизиқишларни ҳал қилувчи омил деб билишади. Уларнинг аксарияти учун маънавий-маданий қизиқишлар ҳали ўз қадри ва аҳамиятини йўқотмаган.

Бугун фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида аёлларнинг иштироки ҳам алоҳида тадқиқот ўтказишни талаб этади. 2006 ва 2008 йилларда ўтказилган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайловлар натижаларининг кўрсатишича, уларда аёллар фуқаролар йиғинининг раиси (оқсоқоли) ва унинг ёрдамчиси лавозимларига сайловларда фаол иштирок этганлар. Масалан, Тошкент вилояти Қибрай шаҳарчаси Зебунисо номли маҳалла фуқаролар вакилларининг 2006 йилдаги

¹ Каримов И.А. Оила фаровонлиги – давлат фаровонлиги // Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т.6. – Тошкент.: Ўзбекистон, 1998. – 400 б.

таркибида аёллар 38 %ни ташкил этган, 2008 йилги сайлов натижасида улар ҳиссаси 42 % га етган. Сайланган аёлларнинг 15 % – олий, 11 % – ўрта махсус, қолганлари ўрта маълумотлидирлар. 2008 йил ноябрь-декабрь ойларида ўтказилган сайлов натижалари шуни кўрсатдики, аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги барча вилоят ва туманларда бир хил эмас. Агар Тошкент вилоятида аёллар вакилларнинг 39 %ни ташкил этган бўлсалар, Қорақалпоғистонда – 21 %, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида эса 7 % атрофидадир.

Фуқаролар йиғинининг раиси (оқсоқоли) лавозимига даъвогар аёлларнинг сони ҳам турли вилоят ва туманларда турличадир. Агар Тошкент вилоятида улар 28 % ни ташкил этсалар, Қорақалпоғистонда – 20 %, Сурхондарё ва Қашқадарёда эса 3 % атрофидадир.

2008 йилда Бухоро вилоятида мавжуд 546 та фуқаролар йиғинларига сайланган раисларнинг 92 нафари (16,8 %) ни аёллар ташкил этди.

Маънавий-маданий ишларга аёлларни жалб этишда ўзгаришлар бўлса-да, айнан ушбу йўналишда қўнимсизлик кучлидир. Масалан, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиларнинг қўнимсизлиги 2004-2007 йилларда Тошкент шаҳрида – 48,1 %, Андижон вилоятида 43,2 %, Бухоро вилоятида – 42,8 %, Қашқадарё вилоятида – 37,9 %, Хоразм вилоятида – 33,8 %, Қорақалпоғистон Республикасида 33,7 %, Сурхондарё вилоятида 32,1 %, Навоий вилоятида – 29,8 %, Фарғона вилоятида – 29,7 %, Сирдарё вилоятида – 24,5 %, Самарқанд вилоятида 23,9 %, Наманган вилоятида 23,4 %, Жиззах вилоятида эса 13,1 % ни ташкил этган¹.

Ўзбекистон Республикасида билим олиш, маданий-ижодий ва интеллектуал салоҳиятини ривожлантиришда ҳамма тенг ҳуқуққа эгадир. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 46-моддасида – «хотин-қизлар ва эркеклар тенг ҳуқуқлидирлар», 41-моддасида – «Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга. Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади», 42-моддасида эса «Ҳар кимга илмий ва техникавий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатланади. Давлат жамиятнинг маданий, илмий ва техникавий ривожланишига ғамхўрлик қилади», деб белгилаб қўйилган. Бинобарин, мамлакатимиз ва ёшларимиз тараққиётига, интеллектуал салоҳиятини ривожлантиришга имкон берадиган шарт-шароитлар хотин-қизларга ҳам, эркекларга ҳам баб-баравар тааллуқлидир. Аммо, маълум бир психофизиологик ва этномаданий хусусиятларга кўра, аёллар индивид ва жинс сифатида билим олиш, интеллектуал салоҳиятини юксалтиришда эркеклардан фарқ қиладилар. Шу боис улар ушбу имкониятлардан фойдаланишда, ўзини эркин шахс, индивид,

¹ Маълумотлар Ўзбекистон Республикаси «Маҳалла» хайрия жамғармаси республика бошқаруви раиси А.А.Аҳмедовнинг 2007 йилдаги ҳисобот маърузасидан ва «Маҳалла» хайрия жамғармаси Бухоро вилояти бўлими материалларидан олинди.

жинс сифатида намоён этишда ўзига хосликларга эгадирлар. Масалан, аёллар кўп жисмоний куч талаб этмайдиган, вербал воситалар (сўзлашув) билан ҳал этиладиган касб-кор, фаолият турларини танлашга ҳаракат қиладилар. Шунинг учун ҳам тиббиёт, маданият, маиший хизмат кўрсатиш, маориф соҳаларидаги ходимларнинг 80 % га яқинини аёллар ташкил этади.

Диссертацияда ижтимоий фаоллик сиёсий-ҳуқуқий билимлардан яхши хабардор бўлиш билан боғлиқлиги очиб берилган. Диссертантнинг фикрича, фаоллик ҳар доим ҳам, ҳамма томонидан қўллаб-қувватланадиган хатти-ҳаракат эмас, унга тўсиқ кўювчилар, гоҳо эса бефарқ муносабатда бўлувчилар кўп. Фақат ҳуқуқий, сиёсий билимлардан яхши хабардор аёлгина ижтимоий фаоллик кўрсатади. Демак, сиёсий-ҳуқуқий маданият жамиятда фаол яшашнинг шартидир.

ХУЛОСА

Тадқиқот натижалари диссертантни бир қатор хулосаларга олиб келган.

Биринчидан, хотин-қизлар ҳаракати (феминизм) асосан ижобий ижтимоий воқелиқдир. У аёлларни маълум бир манфаатлар атрофида бирлаштиради ва ушбу манфаатларини ҳимоя қилиш учун курашишга ўргатади. Ҳеч бир давлатда, ҳеч қачон ижтимоий-сиёсий манфаатларга осонгина эришилмаган, чунки ижтимоий-сиёсий воқелиқ ҳокимият, давлат, мавқе билан боғлиқлиги учун, улар атрофида ўз манфаатларини кўзлаётган шахслар керагидан зиёд бўлади. Феминизм ижтимоий-сиёсий воқелиқнинг ушбу хусусиятини унутолмайди.

Иккинчидан, аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишда давлат ва сиёсий партияларнинг роли бениҳоя каттадир. Аммо ушбу институтлар тепасида асосан эркаклар туришибди. Шунинг учун «аёллар масаласи»даги энг мураккаб ва турли қарама-қарши ёндашувларни келтириб чиқараётган муаммо ҳам хотин-қизларнинг давлат ва жамият бошқарувида кенг иштирок этишларига эришишдир. Лавозим, мансаб инсонни эмас, балки бошқариш фаолиятдан яхши хабардор, одамлар билан моҳир психолог-раҳбар сифатида ишлай оладиган, юксак маънавият ва малакага эга инсон лавозимни, мансабни безайди. Демократик жамият учун киши мавқеини оширадиган лавозим, мансаб эмас, балки лавозим, мансабнинг самарадорлигини оширадиган инсон, шахс, мутахассис муҳимдир.

Учинчидан, бугун аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга, уларда сиёсий онглиликни, маданиятни шакллантиришга хизмат қиладиган нодавлат нотижорат ташкилотлар ҳамда оммавий ахборот воситаларининг янгидан-янги шакллари юзага келмоқда. Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси каби аёлларни давлат ва жамият қурилишига жалб қилиш вазифасини бажаришга қаратилган ННТлар фаолият кўрсатаётган бўлса-да, улар ҳали хотин-қизлар дуч келаётган муаммоларни ҳал этишга сезиларли ҳисса қўшаётганлари йўқ. И. А. Каримов

таъкидлаганидек, «бизда ханузгача хотин-қизлар қўмитаси ва унинг жойлардаги ташкилотлари фаолияти ва мақсадини хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ташкилоти сифатида тушуниш етишмаяпти... Хотин-қизлар қўмитаси бизда кўпроқ давлат ҳисобидан молиялаштириладиган ва ўз фаолиятида маъмурий бошқарув усулларида, яъни юқоридан туриб буйруқ-кўрсатма ва топшириқлар бериш усулидан фойдаланадиган давлат тузилмаси каби қабул қилинади. Марказда ҳам, жойларда ҳам аҳвол ана шундай. Хотин-қизлар қўмиталарини бошқарадиган аксарият фаолларимиз мансаб курсисига ўтириши билан аёллар жамоатчилигидан ажралиб қолади ва иш юритишда маъмурий-буйруқбозлик услубига ўтиб олади... Аслида эса, хотин-қизлар қўмиталарида амалдорлар – бюрократлар эмас, ўзини аёлларнинг ишончли вакиллари сифатида ҳис қиладиган фаоллар иш олиб бориши шарт»¹. Ушбу фикр, аслида, аёлларнинг барча жамоат ташкилотлари фаолиятига тааллуқлидир.

Тўртинчидан, бугун аёллар бизнес, тадбиркорлик ва ишбилармонлик, менежмент, замонавий консалтинг хизмати кўрсатиш, маиший хизмат турларини кенгайтириш, халқаро иқтисодий алоқалар соҳаларида эркаклар билан барабар иштирок этмоқдалар. Мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган ялпи ички маҳсулотнинг учдан бир қисмини, маданий-маиший хизмат турларининг деярли 70–75 фоизини, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг асосий қисмини аёллар яратмоқдалар. Маориф, медицина, мактабдан ташқари тарбия соҳалари асосан аёллар зиммасидадир.

Шу билан бирга, ишсизлар сони аёллар ичида юқори даражада қолмоқда. Бу эса уларни қўшни республикалар ва чет элларга бориб ишлаб келишга мажбур қилмоқда. Гоҳо аёллар ғайриқонуний тарзда юзага келган фирмалардаги қаллоблар қўлига тушиб, «сотиб юборилаётгани» ҳам учраб турибди. Аёллар савдосининг глобал муаммолардан бирига айланаётгани тараққийпарвар кучларни хавотирга солмоқда. Шунинг учун аёллар бандлигини таъминлаш бир қатор амалий чоралар кўришни тақозо этади.

1. Қишлоқ жойларида аҳоли бандлигини таъминлашга доир давлат дастурини ишлаб чиқиш лозим. Қишлоқда ишсизларнинг мавжудлиги у ерда ижтимоий-иқтисодий инфратузилманинг етарли ривожланмагани билан боғлиқ. Демак, қишлоқ ҳаётини, инфраструктурасини ривожлантирмай туриб аёлларни иш билан тўлиқ таъминлаб бўлмайди. Тўғри, Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили деб эълон қилинган 2009 йилда ушбу мақсадни амалга ошириш учун республика миқёсида амалга ошириладиган чора-тадбирлар белгиланди. Бироқ қишлоқ ҳаётида туб ўзгаришлар ясаш, улар инфратузилмасини кенгайтириш учун узоқ йилларга мўлжалланган махсус давлат дастури ҳам керак.

¹ Каримов И.А. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва катъий иродаимизга боғлиқ.. Т.12. – Тошкент: Ўзбекистон, 2004. – Б. 351–352.

2. Аёлларнинг мулк эгаларига айланишларига эришиш зарур. Айнан хусусий мулк инсонни эркин ва фаровон яшашга, ўз режаларини ҳаётга дадил жорий этишга ундайди. Мулксизлик кишини мулк эгасига қарам ёки тобе этиб қўяди, бутун ақлий ва жисмоний кучини мулк эгасига сарфлашга мажбур қилади.

3. Аёлларнинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маданий фаоллигини ошириш пировард натижада уларда маънавий-ахлоқий фазилатларни юксалтиришни назарда тутаяди. Иқтисодий фаоллик – жамиятнинг моддий бойлигини ошириб, ишлаб чиқариш муносабатларини ривожлантиришга, ижтимоий-сиёсий фаоллик – давлат ва жамиятни бошқаришни такомиллаштириб, сиёсий фаолият самарадорлигига эришишга қаратилган бўлса, маънавий-маданий соҳадаги фаоллик жамият аъзоларининг ахлоқий жиҳатдан етук, маънавий баркамол инсонлар бўлиб етишишига хизмат қилади.

4. Фуқаролик жамиятининг гуманистик анъаналарни давом эттирувчи, энг муҳими, янги авлодни шакллантирувчи барқарор институти оиладир. АҚШ социологи П.Ж.Бьюкенен Ғарбни ҳалокатга олиб келиб қўйган инқирозлардан бири оила институтининг барбод бўлаётгани, Европа ва АҚШда оила қуришга, фарзанд кўришга интилишнинг сусайиб бораётгани эканлигини таъкидлайди¹. Ўзбекистонда оила муқаддас қадрият сифатида сақланиб қолмоқда.

«Оила» ва «аёл» узвий тушунчалардир. Айнан оилада ва аёл раҳнамолигида маънавий-маданий ва ижтимоий-ахлоқий қадриятлар шаклланади. Аёлнинг оиладаги ўрни ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳаётдаги ўрнидан асло кам эмас, кўпгина жиҳатлари билан эса улардан устундир. Шу боис аёлнинг оиладаги бола тарбияси билан боғлиқ фаолиятини иш стажига киритиш ва унга тўлиқ маош тўлаш зарур. Тўғри, бозор иқтисодиётига ўтиш даврида бу таклиф хомхаёл кўринадиди, лекин уни аста-секин, ҳудудлар ёки аёллар қатламлари (1-2, 3-4 болалилар) орқали жорий этса бўлади.

5. Аёлларни ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятига жалб этиш этномаданий анъаналарга, турмуш тарзи хусусиятларига мос келади. Хотин-қизлар қўмиталари ва маҳалла фуқаролик жамиятининг ана шундай институтларидир. И. А. Каримов таъкидлаганидек «Аёллар масалаларини ечиш учун хотин-қизлар қўмиталарининг маҳалла ва бошқа жамоат ташкилотлари билан доимий алоқасини йўлга қўйиш, бир ёқадан бош чиқариб ишни ташкил этиш лозим. Оилада соғлом маънавий-ахлоқий муҳит барпо этишда маҳалла ва хотин-қизлар ташкилотларининг ролини ошириш даркор. Бизда фуқаролик жамиятининг икки асосий бўғини – бу маҳалла ва хотин-қизлар қўмиталари бўлиб, улар ўзаро уйғунликда ҳаракат қилиши

¹ Қаранг: Бьюкенен П.Дж. Смерть Запада. – М.: АСТ, 2007. – С. 44-47.

керак»¹. Шубҳасиз, аёлларнинг хотин-қизлар қўмиталари ва ўзини ўзи бошқариш органи бўлган маҳалла фаолиятида иштирок этиши уларда ташкилотчилик хислатларини юксалтиради, оилалардаги муаммоларни тўғри ҳал этишга ёрдам беради. Шу билан бирга, маҳалла қўмиталарида давлат томонидан моддий қўллаб-қувватлаш эҳтиёжи сақланиб қолмоқда. Маҳалла фаоллари аёлларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашнинг янги механизмларини ишлаб чиқишлари лозим.

6. Хотин-қизларнинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий-маданий фаоллиги уларнинг сиёсий-ҳуқуқий маданиятига бевосита боғлиқдир. Минг афсуски, хотин-қизларда бу борадаги билим ва кўникмалар ҳали юқори эмас. Шу сабабли аксарият ҳолларда аёллар фаоллиги у ёки бу кўрсатмани ижро этиш, бажариш билан чекланиб қолади. Фуқаролик жамияти ҳар бир шахсдан фаол бўлишни, нафақат ўзининг, балки маҳалласи, юрти, давлати манфаатларини ҳам қаттиқ ҳимоя қилиб яшашни, фидойи шахс бўлишни талаб қилади.

Аёлларнинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий-маданий фаоллигини ошириш учун қуйидагиларни амалга ошириш лозим:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, асарлари, кўрсатмаларига асосланиб, хотин-қизларнинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маънавий-маданий фаоллигини ошириш бўйича узоқ йилларга мўлжалланган махсус дастур ишлаб чиқиш лозим. Бу дастур бир неча босқич ва йўналишларда амалга оширилиши, яъни:

мактабгача таълим муассасаларида – қизларнинг психологик хусусиятларини ҳисобга олиш, ўғил болаларда ёшлиқдан аёлларга нисбатан ҳурматни шакллантириш;

мактаблар ва коллежларда ижтимоий-гуманитар фанлар орқали аёлларнинг эркаклар билан тенг ҳуқуқли эканлиги, эркаклар бажарадиган иш, касб-кор, вазифаларни аёллар ҳам бажариши мумкинлиги тўғрисидаги тасаввурларни мустаҳкамлаш;

олий таълим тизимида – кишилар онгида, турмуш тарзида патриархал анъана ва тартиблар сақланиб қолаётганининг сабабларини ўрганишга ва илмий тадқиқотлар ўтказишга талаба-ёшларни жалб қилиш керак.

2. Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитасининг веб-сайтида ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-маданий соҳаларда хотин-қизларнинг иштирокини кучайтиришга бағишланган алоҳида саҳифа яратилса, унда сенатор, депутат, олима, тадбиркор, раҳбар ва етакчи аёллар ҳақида мунтазам маълумотлар бериб борилса, аёллар фаоллигига оид ижобий фикрлар мустаҳкамланади ва ривожланади.

3. Хотин-қизлар қўмиталарининг, сиёсий партиялар аёллар канотларининг, аёллар муаммолари билан шуғулланувчи ННТларнинг аёллар

¹ Каримов И.А. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва катъий иродаимизга боғлиқ. Т.12. – Тошкент: Ўзбекистон, 2004. – Б. 358–359.

дунёқарашини кенгайтиришга қаратилган тадбирлари самарадорлигини ошириш керак.

4. Мустақиллик йилларида қишлоқ аёлларининг фаоллиги, иқтисодий муносабатларнинг шаклланишидаги иштироки ошган бўлса-да, ҳали кўпгина қишлоқ аёллари ижтимоий ҳаётдан четда қолмоқдалар. Шу боис қишлоқ аёлларининг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий-маданий фаоллигини оширишга қаратилган махсус давлат дастури ишлаб чиқилиши даркор.

5. Аёлларни бадий-эстетик тимсол сифатида улуғлашдан уларнинг реал ҳаётий муаммоларини тадқиқ этишга ўтиш зарур. Бугун аёллар жамият, давлат ва тадқиқотчилардан илмий асосланган, реал муаммоларни самарали ҳал эта оладиган тавсиялар, лойиҳалар ва дастурларни кутмоқда.

6. Аёллар бандлигига эришиш давлат эътиборида турган бўлса-да, жойлардаги маҳаллий ҳокимият идоралари, хусусий корхоналар ва иш берувчи тадбиркорларда ишчи-хизматчи хотин-қизларга камроқ маош тўлаш, ҳатто уларнинг меҳнат ҳуқуқларини бузиш ҳоллари ҳам учрамоқда. Бундай салбий ва ғайриқонуний усулларга қарши бутун жамият, жамоат ташкилотлари ва аёлларнинг ўзлари фаол курашишлари керак.

7. Аёлларнинг мулк эгаларига айланишларига эришиш зарур. Бунинг учун шахс, жумладан аёл:

- мулкдор бўлишни бутун вужуди ва ақли билан исташи;
- бозор иқтисодиёти талабларига мувофиқ келадиган ишбилармонлик ва тадбиркорлик фазилатларини ўзида шакллантириши;
- менежмент, маркетинг ва замонавий бошқарувга оид махсус билимларга эга бўлиши;
- бизнес стратегиясини ишлаб чиқиш кўникмасига, ижтимоий ва хусусий манфаатларни уйғунлаштириш қобилиятига эга бўлиши зарур.

Ушбу хусусиятларни аёлларда шакллантириш учун тадбиркорлик фаолиятига оид семинарлар ўтказиш, ўқув курсларига аёлларни янада кўпроқ жалб этиш керак.

8. Аёллар ННТларининг ижтимоий-ҳуқуқий ваколатларини оширишга қаратилган қонунлар қабул қилиниши лозим. Масалан, аёллар ННТларининг пулли хизмат кўрсатишдан тушадиган маблағларидан олинадиган солиқлар миқдорини камайтириш, уларнинг банклардан кредит олиш ҳуқуқларини кафолатлайдиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш мақсадга мувофиқдир.

9. Уй-устахоналар, уй-ясилар, уй-дўконлар, уй-кутубхоналар, уй-музейлар очишни қўллаб-қувватлаш учун махсус жамғармалар ташкил этилса айти муддао бўларди. Бугун уй-кафелар, уй-ошхоналар аёлларнинг маданий-маиший хизмат соҳасида фаол меҳнат қилишини таъминламоқда. Шунинг учун ҳам юқоридаги маърифий ва маиший йўналишдаги хусусий секторни моддий қўллаб-қувватлаш аёллар фаоллигини оширишга хизмат қилади.

10. Ўзбекистон ёшларининг «Камолот» ижтимоий ҳаракати қошида «кичик парламент» гуруҳлари ташкил этилиб, уларнинг Олий Мажлис палаталарига, депутатларнинг вилоят, шаҳар, туман кенгашларига мунтазам ташрифларини уюштириш келажақда қизларнинг ижтимоий фаоллигини оширишга хизмат қилади.

11. Оммавий ахборот воситаларида аёлларнинг ахлоқи ва оилавий муносабатлардаги ўрни масалаларини ёритиш билан чекланиб қолмасдан, айтилиши вақтида уларнинг давлат бошқаруви ва жамият ҳаётидаги фаол иштирокини, жамоатчи аёллар турмуш тарзини тарғиб қилувчи дастурлар, лавҳалар беришни кенгайтириш лозим.

12. Халқ ҳокимиятчилиги ва ўзини ўзи бошқариш тизимида, хусусан, маҳаллаларда аёлларнинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маънавий-маданий фаоллигини оширишга оид чора-тадбирларни ташкил этишга алоҳида эътибор бериш керак.

Эълон қилинган асарлар рўйхати

Монография ва рисолалар

1. Ҳусейнова А. Фуқаролик жамияти ва аёллар: Монография. – Бухоро: Бухоро нашриёти, 2009. – 142 б.

2. Ҳусейнова А. Фуқаролик жамиятининг маънавий-маданий ва ахлоқий кадрларини шакллантиришда аёлларнинг ўрни. – Бухоро: Бухоро нашриёти, 2009. – 53 б.

3. Ҳусейнова А. Одам савдосига қарши кураш. – Бухоро: Бухоро нашриёти, 2009. – 50 б.

4. Ҳусейнова А. Ислом таълимотида инсон муаммоси. – Бухоро, Бухоро нашриёти, 2007. – 43 б.

Журнал мақолалари

5. Ҳусейнова А. Тиббиёт ва ахлоқий муносабатлар // Проблемы биологии и медицины. – Ташкент, 2005. – №3. – С.187–188.

6. Ҳусейнова А. Миграция ва унинг ижтимоий-маънавий муҳитга таъсири // Фалсафа ва ҳуқуқ. – Тошкент, 2008. – №1. – Б. 14–15.

7. Ҳусейнова А. Абдурахмон Жомийнинг ҳаёти ва ижодида нақшбандия тариқати // Имом ал-Бухорий сабоқлари. – Тошкент, 2008. – №1. – Б. 26–28.

8. Ҳусейнова А. Глобализация ва миграция // Жамият ва бошқарув. – Тошкент, 2008. – №2. – Б. 28–29.

9. Ҳусейнова А., Саматов Х. Марказий Осиё халқлари умуммиллий мафкураси ва унинг интеграциялашув жараёнига таъсири // Иқтисодиёт ва таълим. – Тошкент, 2008. – №2. – Б. 141–142.

10. Ҳусейнова А. Ёшлар ва миграция // Жамият ва бошқарув. – Тошкент, 2008. – №3. – Б. 16–18.

11. Хусейнова А. Инсон ҳуқуқлари соҳасида қабул қилинган муҳим ҳужжат // Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари. – Тошкент, 2008. – №3. – Б. 30–34.
12. Хусейнова А. Фуқаролик жамияти ва феминизм фалсафаси // Жамият ва бошқарув. – Тошкент, 2008. – №4. – Б. 17–19.
13. Хусейнова А. Миграциянинг ахлоқий жиҳатлари // Фалсафа ва ҳуқуқ. – Тошкент, 2008. – №4. – Б. 48–49.
14. Хусейнова А. Феминизм – ўтмиш, гендер – келажакми? // Тафаккур. – Тошкент, 2009. – №1. – Б. 114–115.
15. Хусейнова А. Ғарб фалсафасида фуқаролик жамиятига оид концепциялар ва уларда аёлларга бўлган муносабат // Ижтимоий фикр. – Тошкент, 2009. – №1. – Б. 105–113.
16. Хусейнова А. Оила – маънавий-маданий ва ижтимоий-ахлоқий кадрларни шакллантириш институти // Ижтимоий фикр. – Тошкент, 2009. – №2. – Б. 150–157.
17. Хусейнова А. Аёлларнинг сиёсий-ҳуқуқий маданиятини ошириш – фуқаролик жамиятини шакллантириш омили // Жамият ва бошқарув. – Тошкент, 2009. – №2. – Б. 48–49.
18. Хусейнова А. Фуқаролик жамияти: тушунчаси ва генезиси // Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари. – Тошкент, 2009. – № 4. – Б. 27–30.
19. Хусейнова А. Аёллар ва нодавлат ноtijорат ташкилотлари // Жамият ва бошқарув. – Тошкент, 2010. – №2. – Б. 17–19.
20. Khuseynova A. Feminism is Women's Cultural Movement// Forum International.- Roma (Italia). Quindicinale indipendente – direttore responsabile: Gabriele Ratini Editore: Associazione Bravo – Redazione: Via Vespasiano, 48-00192 – 2010. - №5 (Marzo). – P. 14-16.
21. Khuseynova A. Feminism // Corriere Matese - Informazione, Attualita, Cultura, Cronaca, Politica e Sport della Provincia di Caserta, - №1. - 2010 (Marza). – P. 15-17.
22. Khuseynova A. Womens Cultural Movement // La Gazzetta Online // Martedi – 2010. -№2 (Marzo). – P. 22-24.
23. Хусейнова А., Холова Э. Борьба с торговлей людьми и социальная реабилитация пострадавших женщин // Городское здравоохранение. – 2010. – № 3–4. – С. 34–37. (Россия, г. Казань)
24. Хусейнова А., Холова Э. Анализ развития современного состояния борьбы с торговлей людьми в Узбекистане // Гражданин и право. Российский гуманитарный журнал. – 2010. – №9. – С. 45–50.

Конференция материаллари

25. Хусейнова А. Содействие повышению социальной защиты женщин участвующих в процессах трудовой миграции // Глобалистика – 2009: Пути выхода из глобального кризиса и модели нового мироустройства: Сборник статей международного научного конгресса (Секция «Человек в глобализирующем мире»). – Москва: МГУ, 2009. – С. 274-277.
26. Хусейнова А. Противодействие торговле людьми в Узбекистане // Современные проблемы и пути их решения в науке, транспорте, производстве и

образовании – 2009: Сборник научных трудов по материалам международной научно-практической конференции. Том 20 – Философия и филология. – Одесса: Черноморье, 2009. – С. 50–56.

27. Хусейнова А. Анализ проблемы торговли людьми // Государство, Политика, Социум: вызовы и стратегические приоритеты развития: Сборник статей международной конференции. – Екатеринбург, 2009. – Часть 1, -С. 227-231.

28. Хусейнова А. Инсон умри хақида айрим мулоҳазалар // Актуальные проблемы современной медицины и вопросы подготовки квалифицированных кадров: Материалы республиканской научно-практической конференции. Часть 1. – Бухара, 1995. – С. 27–30.

29. Хусейнова А., Ходжаева Д. Оила муҳити ва аёл саломатлиги // Аёл, оила ва саломатлик: Халқаро анжуман материаллари. – Бухоро, 1998. – Б. 54–55.

30. Хусейнова А. Маънавий соғломлик – бахту иқбол гаровидир // Аёл, оила ва саломатлик масалалари. – Бухоро, 2000. – Б. 73–75.

31. Хусейнова А. Мафкура буюк келажак пойдевори // Миллий истиқлол мафкураси демократик тамойиллари: Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. – Навоий, 2004. – Б. 32–33.

32. Хусейнова А. Саломатликнинг маънавий-ахлоқий жиҳатлари // Саломатлик фалсафаси: Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. – Бухоро, 2005. – Б. 138–140.

33. Хусейнова А. Эстетика фани ва амалий машғулотларида интерфаол усуллар // Тиббиёт олий ўқув юртларида илғор педагогик технологиялардан фойдаланиш: Республика ўқув-услугий анжумани тўплами. – Бухоро, 2005. – Б. 68–69.

34. Хусейнова А. Аёлларни улуғлаш бағрикенглик тимсолидир // Ёшларда ижтимоий толерантликни тарбиялаш масалалари: Республика илмий-назарий конференцияси материаллари. – Бухоро, 2006. – Б. 161–164.

35. Хусейнова А. Тасаввуф алломалари қарашларида бағрикенглик ғоялари // Ёшларда ижтимоий толерантликни юксалтириш масалалари: Илмий-назарий конференцияси материаллари. – Тошкент, 2006. – Б. 161–164.

36. Хусейнова А. Миграция ва бағрикенглик // Жамият. Цивилизация. Давлат: ижтимоий-тарихий тараққиёт омиллари. Республика илмий-назарий конференцияси материаллари. – Тошкент, 2007. – Б. 196–198.

37. Хусейнова А. Хотин-қизлар миграциясининг ижтимоий-маънавий муҳитга таъсири // Аёл, тарих ва тақдир: Олима аёллар конференцияси материаллари. – Бухоро, 2007. – Б. 20–24.

38. Хусейнова А. Инсон фалсафаси: Фалсафа фанини ўқитишда интерфаол усуллардан фойдаланишга доир услубий қўлланма. – Бухоро, 2007. – 32 б.

39. Хусейнова А. Ислом таълимотида инсоннинг олий қадрият сифатидаги талқини // Ўзбекистонда фалсафа ва ҳуқуқ фанлари ривожининг истиқболи: Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. – Тошкент, 2007. – Б. 193–196.

40. Хусейнова А. Инсонни улуғлаш бағрикенглик тимсолидир // Ёшларда толерантликни юксалтириш – фуқаролик жамиятини қуриш омили: Республика илмий-назарий конференцияси материаллари. – Тошкент, 2007. – Б. 37–39.

41. Ҳусейнова А. Фуқаролик жамиятида инсон кадр-қиммати олий қадрият сифатида // Конституция – истиқлолимиз ва истиқболлимиз рамзи: Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. – Бухоро, 2007. – Б. 110–113.
42. Ҳусейнова А. Ислом таълимотида инсонпарварлик ва бағрикенглик ғояларининг муштараклиги // Ёшларда толерантликни юксалтириш – фуқаролик жамиятини қуриш омили: Илмий-назарий конференция материаллари. – Тошкент, 2007. – Б. 81–82.
43. Ҳусейнова А. Ёшлар маънавиятини шакллантиришда ҳадисларнинг ўрни ва аҳамияти // Тарихий хотира ва ёшлар: БухТИ илмий-назарий анжумани материаллари, 2008. – Б. 9–12.
44. Ҳусейнова А. Соғлом оилани барпо қилишнинг айрим жиҳатлари // Аёл ва ёшлар маънавияти: Республика илмий-назарий конференцияси материаллари. – Бухоро, 2008. – Б. 20–21.
45. Ҳусейнова А. Шарқ фалсафасида «фуқаролик жамияти» талқини // Фалсафа ва тасаввуф: Республика илмий-амалий семинари материаллари. – Бухоро, 2008. – Б. 289–294.
46. Ҳусейнова А. Абдурахман Джами о сущности и назначении человека // Фалсафа ва тасаввуф: Республика илмий-амалий семинари материаллари. – Бухоро, 2008. – Б. 225–228.
47. Ҳусейнова А. Сиёсий-ҳуқуқий маданият фаоллиги // Фалсафа ва фан методологияси муаммолари: Аллома Омонулла Файзуллаев илмий-назарий ўқишлари материаллари. – Т.: Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2009. – Б. 138–140.
48. Ҳусейнова А. Хотин-қизлар ва интеллектуал салоҳият // Ўзбекистонда мустақиллик шароитида фалсафа таълими ва фанининг равнақи: Илмий-назарий конференция материаллари. – Навоий, 2009. – Б. 94–97.
49. Ҳусейнова А. Феминизмнинг айрим жиҳатлари // Ўзбекистонда фалсафа ва ҳуқуқ фанлари ривожининг динамикаси: Академик Иброҳим Мўминов таваллудининг 100 йиллигига бағишланган илмий-амалий конференция материаллари. 1-китоб. – Тошкент: Фалсафа ва ҳуқуқ нашриёти, 2009. – Б. 102-105.
50. Ҳусейнова А. Феминизм – аёлларнинг маданий ҳаракати // Ижтимоий фалсафанинг долзарб муаммолари: Илмий-назарий семинар материаллари. 1-китоб. – Т.: Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2009. – Б. 128–130.
51. Ҳусейнова А. Оммавий аҳборот воситалари ва аёллар масалалари // Фалсафа ва фан методологияси муаммолари: Аллома Омонулла Файзуллаев илмий-назарий ўқишлари материаллари. – Т.: Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2010. – Б. 69–71.
52. Ҳусейнова А. Аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги ва нодавлат ноижорат ташкилотлар // Баркамол авлод тарбиясининг маънавий-ахлоқий, ҳуқуқий, экологик, валеологик ва иқтисодий масалалари: Илмий-амалий конференция материаллари. – Т.: Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2010. – Б. 275–277.

Фалсафа фанлари доктори илмий даражасига талабгор **Хусейнова Абира Амоновнанинг** 09.00.11 – Ижтимоий фалсафа ихтисослиги бўйича «Фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнида аёллар фаоллигини ошириш муаммолари (ижтимоий-фалсафий таҳлил)» мавзусидаги диссертациясининг

РЕЗЮМЕСИ

Таянч (энг муҳим) сўзлар: фуқаролик жамияти, феминизм, аёллар ижтимоий-сиёсий онги ва фаоллиги, фуқаролик жамияти институтлари ва аёллар, оила институти, интеллектуал салоҳият, гендер тенглик, маънавият, демократия.

Тадқиқот объектлари: Ўзбекистон аёлларининг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий-маданий ҳаётдаги иштироки, фаолияти.

Ишнинг мақсади: Ўзбекистон Республикасида фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнида аёллар фаоллигини ошириш масалаларини ижтимоий-фалсафий таҳлил этиш.

Тадқиқот методлари: илмий билишнинг диалектик, тарихийлик, мантиқийлик, анализ ва синтез, комплекс ёндашув, ретроспектив таҳлил, сўровнома, интервью, суҳбат, кузатиш, қиёсий таҳлил, контент-анализ усуллари.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги: фуқаролик жамиятининг тушунчаси ва социогенези, аёлларнинг ижтимоий фаоллигини оширишнинг омиллари таҳлил этилган. Феминизм фалсафанинг аёллар масаласини, ижтимоий фаоллигини ўрганишга қаратилган назарий қарашлар, аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги давлат ва жамиятни бошқариш институтлари демократлашувининг асоси ва кўрсаткичи эканлиги очиқ берилган. Ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг самарали ҳал этилиши аёлларнинг фаоллигига боғлиқлиги, фуқаролик жамиятида маънавий-маданий ва ижтимоий-ахлоқий кадриятларнинг шаклланиши аёлларнинг фазилатлари, интеллектуал салоҳияти ва сиёсий-ҳуқуқий маданиятига боғлиқлиги асосланган.

Амалий аҳамияти: Диссертация хулосалари ижтимоий-фалсафий қарашларни, аёл ва жамият, гендер фалсафаси, феминизм ҳақидаги таълимотларни бойитади. Улардан аёлларнинг фаоллигини оширишга қаратилган чора-тадбирларда фойдаланиш мумкин.

Татбиқ этиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги: Тадқиқот натижасида ишлаб чиқилган амалий тавсиялар, якуний хулосалар Бухоро вилояти ҳокимлиги фаолиятида, Бухоро шаҳар хотин-қизлар қўмитаси, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти Бухоро минтақавий ахборот таҳлил маркази, Бухоро вилояти ИИБ «Одам савдосига қарши кураш» бўлимида, Бухоро вилояти «Истиқболли авлод» марказида, «Маҳалла» хайрия жамғармаси Бухоро вилоят бўлимларида «Аёлларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш», «Ахлоқ-одоб доирасидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш», «Одам савдосига қарши кураш» мавзуларида ўтказилган тадбирларда, ходимларнинг назарий билимлари ва касбий маҳоратини оширишда, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқиш ва таҳлил қилишга жорий этилган.

Қўлланиш (фойдаланиш) соҳаси: илмий тадқиқот ишлари, хотин-қизлар ташкилотлари, сиёсий партияларнинг аёллар қанотлари, ННТлар, ўзини ўзи бошқариш органларининг диний-маърифат ва ахлоқий тарбия масалалари бўйича фаолияти.

РЕЗЮМЕ

диссертации **Хусейновой Абиры Амоновны** на тему: «Проблемы повышения активности женщин в процессе формирования гражданского общества (социально-философский анализ)» на соискание учёной степени доктора философских наук по специальности 09.00.11 – Социальная философия.

Ключевые слова: гражданское общество, феминизм, социально-политическое сознание и активность женщин, институты гражданского общества и женщины, институт семьи, интеллектуальный потенциал, гендерное равенство, духовность, демократия.

Объект исследования: участие женщин Узбекистана в экономической, социально-политической и духовно-культурной жизни и их деятельность.

Цель работы: социально-философский анализ проблем повышения активности женщин в процессе формирования гражданского общества в Республике Узбекистан.

Методы исследования: диалектический, исторический, логический анализ и синтез, комплексный подход в научном познании, ретроспективный анализ, анкетирование, интервью, беседы, наблюдение, сопоставительный анализ, контент-анализ.

Полученные результаты и их новизна: проанализированы понятие «гражданское общество» и его социогенез, исследованы факторы требующие повышения социальной активности женщин. Раскрыта философия феминизма как совокупность теоретических положений по изучению социальной активности женщин, представляющей собой одну из основ и важный показатель демократизации институтов управления государством и обществом; выявлена связь эффективности реализации социально-экономических реформ с активностью женщин, с их высокими духовно-нравственными качествами, интеллектуальным потенциалом и политико-правовой культурой.

Практическая значимость: выводы диссертации обогащают общественно-философские взгляды, учения о женщинах и обществе, философию гендера и феминизма. Результаты диссертации могут быть использованы при реализации практических мер по повышению активности женщин в жизни страны.

Степень внедрения и экономическая эффективность: результаты исследования, практические рекомендации и выводы реализованы в деятельности Бухарского хокимията, Комитета женщин города Бухары, Бухарского регионального информационно-аналитического центра Института изучения Гражданского общества, Отдела Бухарского УВД «Борьба против торговли людьми», Бухарского центра «Истикболли авлод», Бухарского отдела благотворительного фонда «Махалля», связанной с проведением мероприятий по вопросам «Повышение социальной активности женщин», «Борьба против торговли людьми», а также с повышением теоретических знаний, профессионального мастерства их сотрудников, с разработкой и анализом нормативно-правовых документов.

Область применения: Результаты исследования могут применяться в научно-исследовательской деятельности, в работе женских крыльев политических партий, ННО, органов самоуправления по вопросам духовно-нравственного, религиозно-просветительского воспитания.

RESUME

Thesis of Khuseynova Abira Amonovna on the scientific degree competition of the doctor in philosophy on specialty 09.00.11 – Social philosophy on the theme «Problems of Increase of Activity of Women during Formation of the Civil Society (the socially-philosophical analysis)»

Key words: civil society, feminism, social-political consciousness and activity of women, institutes of a civil society and women, institute of family, intellectual potential.

Objects of research: participation of women in Uzbekistan in an economic, political and spiritually-educational life and their activity.

Aim of the work: the social-philosophical analysis of problems of increase of activity of women during formation of the civil society in the Republic of Uzbekistan.

Methods of research: dialectic, historicity, logicality, analysis and synthesis, complex approach, retrospective analysis, questionnaire, interview, conversation, supervision, comparative analysis, content-analysis methods.

The results achieved and their novelty: concept of civil society and its sociogenesis, the factors demanding increase of social activity of women were analyzed. It is investigated that the philosophy of feminism is the theoretical doctrine studying matters of women, sociopolitical activity of women is a basis and an indicator of democratization of governing institutes of the state and society. It is proved that the positive solution of economic reforms depends on activity of women, formation of spiritual-cultural and social-moral values is connected with highqualities of women and their intellectual potential and politically-legal culture.

Practical value: dissertation conclusions enrich social-philosophical view, the doctrine about women and society, gender philosophy, feminism and they also can be used in realization of practical measures on increasing of activity of women in the life of our country.

Degree of embed and economic effectivity: the final resumes and practical recommendations which were worked out on the basis of the results of the investigation have been applied in measures about themes of «fighting against trade of people», «letting know before breaking of law on moral rules», «increasing social activity of women» held by government of Bukhara region, female's committee of Bukhara city, in the centre the Bukhara Regional Information Analysis of Institute of Studying of the Civil Society, the department of «fighting against trade of people» of Internal Affairs Board of Bukhara region, the center of «Istikbolli avlod» (Perspective generation) of Bukhara region, the departments of charitable Fund of «Mahalla» in Bukhara region and in improving professional skills and theoretic knowledge of stuffs, in working out and analyzing normative-legal documents.

Sphere of usage: Results of research can be applied in research works, in activity of female wings of political parties, self-government institutions and in Non Government Non Commercial Organizations concerning matters of religious-educational and moral education of women.